К
Гос. книжная палата УзССР
117795

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 11 июль, сешанба. №83 (21.846.) Сотувда эркин нархда.

МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

9-10 июль кунлари Туркия Бош вазири Тансу Чиллер расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди

Тарихи, дини, тили ва урф-одати бир-бирига муштарак бўлган Туркия ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги алоқалар кеча бошланғани йўқ. Бу муносабатлар олис ўтмишга бориб тақалади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач эса муносабатлар ривожи буткул янгича руҳ касб этди. Бугунги кунда қардош Туркия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосига қурилган муносабатлар тобора ривожланиб бормоқда.

9 июль куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Бош вазири Тансу Чиллерни тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Туркия ва Ўзбекистон Республикалари Давлат байроқлари ҳилпираб турган Тошкент аэропортида Бош вазир Тансу Чиллер ва унинг умр йўлдошига Президент Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга турфа гуллар туҳфа этдилар. Туркия ва Ўзбекистон Давлат мадҳиялари янграганидан сўнг Тансу Чиллер ва Ислом Каримов миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Туркия ҳукумат раҳбари ва Ўзбекистон Президенти расмий делегация аъзолари билан таништилар. Шу ерда меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашдилар.

Аэропортда Тансу Чиллер ва Ислом Каримов қисқа мулоқотда бўлди. Мамлакатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон заминига ташрифи билан қутлаб, сафарининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Туркия ва Ўзбекистон Давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони олий мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди. Меҳмонларни минглаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари олқишладилар.

***

Олий мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳда Туркия Бош вазири Тансу Чиллер билан Президент Ислом Каримов ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда икки қардош мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Айни пайтда бу ерда икки мамлакат делегациялари ўртасида ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон билан Туркия Республикалари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик, виза бериш жараёнини соддалаштириш, кўчмас мулк ва элчихоналарни молиявий таъминлаш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича давлатлараро комиссия ташкил этиш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон ҳукумати номидан республика ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Туркия ҳукумати номидан мамлакатнинг энергетика вазири Вейсал Атасўй, давлат вазири Айваз Гёкдемир, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Унур Оймин ва меҳнат вазири Зиё Холис имзоладилар.

***

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Туркия Республикалари делегациялари Халқлар дўстлиги саройига келдилар. Бу ерда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов билан Туркия Бош вазири Тансу Чиллер Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги меморандумга имзо чекдилар.

Ислом Каримов ва Тансу Чиллер ўзаро мулоқотлар ва музокаралар якуни бўйича хорижий ҳамда маҳаллий матбуот вакиллари учун қисқача баёнот бердилар.

— Туркия Ўзбекистон учун ишончли ва энг мақбул ҳамкор, самимий дўст давлатдир, — деди Ислом Каримов. — Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганини халқимиз ҳамиша миннатдорлик билан эсга олади. Зеро, тили, дини, ўтмиши бир халқларимиз ҳар вақт бир-бирига интилиб келган. Шу боис мамлакатларимиз ўртасида шу пайтгача иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида ўнлаб ҳужжатлар имзоланди. Улар бугун ўзаро ҳамкорлигимизни янада равнақ топтиришга хизмат қилмоқда. Биз бугунги суҳбатлар ва музокаралар давомида ўзаро муносабатларимизнинг барча йўналишларида фикрларимиз уйғун эканига амин бўлдик.

Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Бугун Ўзбекистонда Туркиянинг 21 та йирик ширкатлари фаолият кўрсатмоқда. Туркиялик тадбиркорлар билан ташкил этилган 140 га яқин қўшма корхона мамлакатимиз халқ хўжалигини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ўзбекистон—Туркия банкининг ташкил этилиши эса иқтисодий ислоҳотлар жараёнида республикамизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашади.

Бугун Ўзбекистон — Туркия муносабатлари янги поғонага кўтарилди. Атиги бир неча йил муқаддам иқтисодий ислоҳотлар бўсағасида турган Ўзбекистон қисқа муддат ичида хорижий шериклар, жумладан, Туркия билан ҳам ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди.

— Ўзбекистон яқинда ўз мустақиллигининг тўрт йиллигини нишонлайди, — деди Тансу Чиллер. — Бу тарих учун қисқа муддат. Лекин бугун Ўзбекистонни Туркия билан тенг ҳамкорликда кўриш биз-



СУРАТДА: икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги меморандум имзоланғандан сўнг.

ЎзА олган сурат.

бобларининг ҳар бир қадами тарих деб бежиз айтмайдилар. Туркия Бош вазирининг юртимизга расмий сафари ҳам тарихий воқеаларга бой бўлди. Бош вазир Тансу Чиллер хоним ва Президент Ислом Каримов Самарқанд шаҳридаги кўчаларнинг бирига турк халқининг буюк фарзанди Камол Отатурк номи берилиши муносабати билан уюштирилган митингда иштирок этдилар. Ушбу кўчадаги Отатурк шарафига ўрнатилган ёдгорлик лавҳасини очдилар.

— Мустафо Камол Отатурк туркий тилли халқларнинг, жумладан Ўзбекистоннинг истиқлолга эришишини орзу қилган эди, — деди Бош вазир Тансу Чиллер. — Самарқанд аҳлининг ушбу кўчани унинг номи билан аташга қарор қилгани бизни беҳад мамнун этди. Бу халқларимиз дўстлиги ва қардошлигининг яна бир нишонасидир. Ўзбекистонни, жумладан гўзал ва афсонавий Самарқандни кўриш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Тилагим шу — дунёга келган ҳеч бир кимса Самарқандни кўрмай ўтмасин.

Шу куни туркиялик юксак мартабали меҳмон Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

Ташриф ниҳоясида Тошкент аэропортида Туркия Бош вазири Тансу Чиллерни расмий кузатиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов аэропортда журналистлар билан учрашиб, уларнинг Туркия Бош вазири Тансу Чиллернинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунлари хусусидаги саволларига жавоб қайтарди.

— Туркия мамлакатимиз мустақиллик йўлида илк қадамлар қўяётган, миллий давлатчилигимиз тикланаётган кунларда бизга кўмак берган давлатдир, — деди, жумладан Ислом Каримов. — Бундай ёрдам давом этяпти. Ўзаро музокаралар чоғида Туркия Ўзбекистон учун 125 миллион доллар кредит беражагини маълум қилди. Биз бундай ёрдамларни юксак баҳолаймиз.

Шундай қилиб Туркия Бош вазирининг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди. Сафар чоғидаги учрашувлар, мулоқотлар ва музокаралар ғоят самарали бўлди. Музокаралар якунида қабул қилинган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркия халқларининг дўстлиги ва биродарлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Амирқул КАРИМ,
Муҳаммад ШАРИФ,
Саид МУРОД,
Холмурод АБДУРАҲМОН,
Ҳамза ШУКУР.
(ЎзА).

Туркистон — умумий уйимиз

АБАЙ — АВЛОДЛАР ЁДИДА ЯШАЙДИ

Тошкентда тантанали равишда нишонланган буюк қозоқ шоири ва мутафаккири, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси Абай Қунонбоевнинг 150 йиллик юбилейи тадбирлари Ўзбекистон республика байналмилал маданият марказида ўтказилган учрашув билан якунланди. Учрашувда юбилей тантаналарида қатнашиш учун республикамизга келган Қозоғистон делегацияси аъзолари, Ўзбекистондаги қозоқ миллий маркази ва пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Республика байналмилал маданият маркази раиси К. Расулов учрашувни очар экан, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қозоқ миллатига мансуб кишилар республикамиз иқтисодиёти, фани, маданияти ва санъати тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаётганини, қозоқ миллий марказининг фаол ва самарали ишлаётгани ҳамда шу туфайли қозоқ миллий маданияти, тили, урф-одат ва анъаналарини қайта тиклашда жиддий муваффақиятларга эришганини қайд этди.

Учрашувда сўзга чиққан Қозоғистон композиторлар уюшмаси раиси Б. Жуманазаров, Қозоғистон миллий Фанлар академиясининг вице-президенти Р. Бердибоев, Тошкентдаги тантаналар меҳмони — Абай Қунонбоев сулоласига мансуб М. Исҳоқова Абай дунёқараши асосан ўзбек халқининг буюк фарзанди Алишер Навоийнинг шеърий ва фалсафий мероси таъсирида шаклланганини таъкидлашди. Бугунги кунда бу маънавий бирлик ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги дўстликнинг янада мустаҳкамланишига, уларнинг умумий хонадони бўлмиш Туркистоннинг гуллаб-яшнашига кўмаклашмоғи зарур.

Ўзбекистон маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев, Қозоғистонда фаолият кўрсатаётган Динмуҳаммад Кунаев жамғармаси президенти Э. Кунаев ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирдилар. Учрашув иштирокчилари бир-бирига эсдалик совғалари ҳадя қилишди.

Учрашув сўнггида катта байрам концерти қўйиб берилди.

***

Абай Қунонбоевнинг юбилей тантаналарида иштирок этиш учун республикамизга ташриф буюрган Қозоғистон делегацияси аъзолари Тошкент ва Сирдарё вилоятлари деҳқонлари ҳузурида меҳмон бўлдилар, Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев уй-музейини зиёрат қилдилар ҳамда Тошкентнинг бошқа диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзА).

БИЗНЕС-СЕМИНАР: МУАММОЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Туркия Республикасининг Бош вазири Тансу Чиллер хонимнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 10 июль куни Тошкентда Туркия савдо-саноат вакиллари иштирокида бизнес-семинар бўлди. Унда Ўзбекистон томонидан вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, банклар, бошқа хўжалик тузилмалари ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани ва сармоя соҳасидаги вазият билан таништирилди. Бўлиб ўтган мунозара чоғида Туркия тадбиркорларини қизиқтираётган муаммолар муҳокама қилинди. Ўзбекистон миллий валютасининг эркин муомаладаги валютага алмаштирилиши, республикамизда хорижий фирмаларнинг фаолияти учун имкониятлар кенгайиб бораётгани тушунтириб берилди. Туркия фирмаларининг вакиллари ўзаро фойдали ҳамкорликдан, хусусан, тўқимачилик, кунчилик саноатида, бошқа тармоқларда ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини маълум қилишди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ, ТАДБИРКОРЛИК ВА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ МАЖЛИСИДАН

Аввал хабар берганимиздек, шу йил 4 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов раислигида идоралараро кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда қишлоқда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришни жадаллаштиришга, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришга оид чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Қуйида идоралараро кенгашда қабул қилинган қарорларнинг асосий ҳолатларини келтирамиз.

«Қишлоқ жойларда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш ишларининг аҳволи ҳамда уларни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокамаси жараёнида бу йирик муаммони ҳал этиш фақат ижтимоий-иқтисодий эмас, балки муҳим сиёсий аҳамиятга эга экани таъкидлаб ўтилди.

Ўтган ўн йилларнинг оғир мероси билан келишиш мумкин эмас, у вақтларда иш билан энг тўлиқ ҳандалласа таъминлашга эришиш зарурлиги шиори остида қишлоқ аҳолиси меҳнат потенциалидан самарасиз фойдаланиш яшириларди ва бу ҳол ҳануз учраб турибди.

Ушбу катта муаммони ҳал этишда собиқ марказлашган маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти хатоларига: гигантоманияга интилишга ва қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантиришга, ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантиришда қолоқликка, экологияга эътиборсизлик қилишга ва аҳолининг ҳаракатчанлигига тўсқинлик қилишга ва бу билан Ўзбекистоннинг айрим минтақаларида аҳолининг ҳаддан ташқари зич жойлашишини сақлаб қолишга йўл қўйиб бўлмайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва мавжуд қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш шиорлари остида шаҳарлар ва туман марказларида жойнинг экологиясини бузадиган ва кўплаб сармоялар талаб қиладиган қайта ишловчи йирик корхоналарни асоссиз равишда қуриш давом этмоқда. Бундай ҳолларга йўл қўйиш мумкин эмас. Одамларни бевосита яшаш жойида иш билан таъминлаш ва айни бир вақтда унинг инфраструктурасини ривожлантириш учун қишлоқда кичик корхоналарни ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш йўлидан боришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Бу сервис хизмати, умумий хизматлар кўрсатиш объектларини ва ишлаб чиқариш тармоқларини бевосита қишлоқ жойга, айниқса, унинг аҳоли зич жойлашган туманларига имкони борича яқинлаштириш ва жойлаштиришни талаб қилади.

Буни, энг аввало, унча катта бўлмаган ихчам ишлаб чиқаришлар ташкил қилиш, кичик ва хусусий корхоналарни кенг ривожлантириш, хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳажмларини кўпайтириш, тадбиркорлик ҳаракатини ҳамма жойда кенгайтириш ҳисобига амалга ошириш керак. Аҳоли кенг қатламларини тадбиркорлик соҳасига жалб этиш мақсадида кичик ва хусусий бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга имтиёзлар бериш масаласини пухта ишлаб чиқиш талаб этилади.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш қонунчилик ва норматив базани янада такомиллаштиришни талаб қилади. Шу билан бир қаторда одамларнинг, айниқса, Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ташкил қиладиган ёшларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари даражасини жиддий ошириш зарур.

Муҳокама натижасига кўра, қуйидаги вазифалар топширилди:

1. Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси бошқа вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар билан биргаликда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда «Республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрласинлар. Қонун лойиҳаси мавжуд қонунчилик ва норматив ҳужжатларни пухта ўрганиш, республика тадбиркорлари кенг доирасининг таклифларини ҳисобга олиш ва умумлаштириш асосида тайёрланиши лозим.

2. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумдавлат дастурини ишлаб чиқсин, унда қишлоқ жойларда уларни ривожлантиришга алоҳида эътиборни қаратсин. Дастурни тайёрлашда илғор мамлакатларнинг унинг амалга оширилишини таъминловчи минтақавий марказлар тузиш бўйича тажрибаси ҳисобга олинсин.

3. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси (В. А. Чжен) Марказий банк ва тижорат банклари, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 20 кун муддатда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга сармоя йўналтирадиган кредитларга имтиёзли шартларда кафолат бериш суғурта компаниясини ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва тижорат банклари, Меҳнат вазирлиги, манфаатдор жамоат ташкилотлари, вазирликлар, концернлар, корпорациялар ва уюшмалар билан биргаликда бир ой муддатда кичик ва хусусий тадбиркорликни маблағ билан таъминлашнинг нодавлат тузилмаларини ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси раиси В. А. Чжен, И. Ҳ. Жўрабеков, М. З. Усмонов ўртоқлар билан биргаликда 15 кун муддатда:

— қишлоқ жойларда бозор инфраструктурасини жадал яратиш бўйича таклифлар киритсин;

— фермерларнинг, кичик ва хусусий корхоналарнинг мева-сабзавотларини ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бозорлари ташкил этиш ҳамда уларга савдо-воситачилик ташкилотлари билан шартнома ва контрактлар тузишда кўмаклашиш масаласини ҳал қилсин.

6. Меҳнат вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги 15 кун муддатда республиканинг ҳамма жойида қишлоқ ёшларини қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш бўйича тузилмалар ташкил этишга доир таклифлар киритсинлар. Бунда қишлоқ ёшларини бозор иқтисоди шарт-шароитларига кенг жалб этиш, уларга «тадбиркорлик вируси»ни, кичик ва хусусий бизнес билан фаол шуғулланиш хоҳиши ва интилишини сингдиришни назарда тутсинлар. Республика ҳунар-техника билим юртлари тизимида таълимни қайта йўналтиришга доир тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

Ушбу ишни мувофиқлаштириш ва унинг бажарилишини назорат қилиш И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 10 кун муддатда ер банки ва унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқсин ва киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бир ҳафта муддатда қуйидагилар тўғрисида таклифлар киритсинлар:

— «Ўзинвестлойиҳа» инжиниринг компаниясини ташкил этиш тўғрисида;

— Европа банкининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ажратилган 60 миллион доллар миқдордаги кредитларидан республиканинг барча минтақалари тадбиркорларининг кенг қатламлари ўртасида танлов асосида жадал ва тўлиқ фойдаланиш тўғрисида;

— иқтисодиётнинг устувор тармоқларини маблағ билан таъминлаш учун ўз маблағларидан фаол фойдаланиш, уларда хорижий сармоялар маблағларини кўпайтириш учун база яратиш.

9. Адлия вазирлиги:

— икки ой муддатда хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган қонун кучидаги ҳужжатларни ўрганиб чиқсин ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолиятига маъмурий-буйруқбозлик йўли билан аралашишга уринишларнинг олдини олиш механизмини яратиш тўғрисида таклифлар киритсин;

— 15 кун муддатда Олий ҳўжалик суди, Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси билан биргаликда фьючерс битимшувларини тузиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ҳамда биржа ва ярмарка савдолари якунлари бўйича сотиб олинган маҳсулотларни олиб чиқиб кетиш тартибини киритсинлар.

И. А. Каримов ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, уни янада эркинлаштириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили эканлигини таъкидлаб ўтди. Кенгаш аъзолари муҳокама натижаларига кўра комиссия мазкур масала бўйича таклиф этган фармон лойиҳасига розилик билдирдилар.

Фармонни пухта ишлаб чиқишда ва ҳукумат қарорини тайёрлашда қуйидаги масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор бериш топширилди:

— тариф бўйича тартибга солиш ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиб боришнинг асосий шакли ҳисоблансин;

Квоталанадиган ва лицензияланадиган товарлар рўйхатини, уларни анча камайтиришни назарда тутган ҳолда, қайта кўриб чиқиш, хом ашё ва маҳсулотларнинг стратегик турлари бундан мустасно.

Бош вазирнинг ўринбосари Ў. Т. Султонов зиммасига «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда жаҳон бозорида талаб катта бўлган, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш юклансин.

Партия ҳаётидан

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши яқинда шаҳар ва туман кенгашлари биринчи ҳамда иккинчи котибларининг семинар-кенгашини ўтказди. Унинг иштирокичилари бошланғич партия ташкилотлари иш услубларини такомиллаштириш, омма орасида сиёсий-тарбиявий ишларни давр талаблари даражасига кўтариш, партия аъзоларининг меҳнат жамоаларидаги мавқеини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Жиззах тумани ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати С. Эшбоев ҳокимлик ва бошланғич партия ташкилотлари ҳамкорлиги ҳамда ана шу ҳамкорлик туфайли иқтисодий ислоҳотлар бераётган ижодий самаралар ҳақида, ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгашининг биринчи котиби Б. Темуров республика Президенти Фармонлари бажарилишида бошланғич партия ташкилотларининг фаол иштироклари хусусида сўзлаб бердилар. Иштирокчилар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси асосий қоидаларини тарғиб ва ташвиқ қилиш ҳамда амалга оширишда Жиззах шаҳар бошланғич партия ташкилотларининг иш тажрибасини эътиборга лойиқ, деб баҳоладилар. Бу ҳақда маъруза қилган ХДП Жиззах шаҳар кенгашининг биринчи котиби М. Иномов шаҳар бошланғич партия ташкилотларида тўпланган тажрибаларни оммалаштиришнинг аниқ тавсиялари ва дастурини ўртага ташлади.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Жиззах тумани ҳиссадорлик жамиятига қарашли ишлаб чиқариш корхонаси, Учтепа коллежи ва Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотларининг иш фаолиятлари билан яқиндан танишдилар.

Семинар-кенгаш ишини Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Г. Субҳонова якунлаб, бошланғич партия ташкилотларининг айни кунлардаги муҳим вазифалари ҳақида гапирди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

"МУСТАҚИЛЛИК"

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ



Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

Ислоҳот чорраҳаларида

САОДАТМАНД ОДАМЛАР

(очерк)

Яхши гапни ёзганда қалам баҳра олади, деган гапни мен биринчи бор Содиқ Суюнов деган акамиздан эшитганман. Содиқ ака ўшанда, яъни бундан чорак аср аввал Қумқўрғоннинг «Москва» деб номланадиган хўжалигида комсомол ташкилотининг котиби эди. Мен — ҳаваскор мухбир. Икковимиз хўжаликнинг бир четдаги бригадасига бордик. Бригадирга берган саволларимга Содиқ ака жавоб қайтаради. Фалон сувчию фалон чопиқчининг исми-шарифи нима, тортувли деган уруғнинг қайси шажарасидан — мункасиданми ёки тўғизиданми, фалон кишининг лақабини, масалан нима учун «поезд» дейишади — ҳаммасидан бохабарлигини кўриб, ундан уйингиз шу қишлоқдами, деб сўрадим.

Бригадир кўнглимдагини тушунди: «— Содиқ Суюнов Улус қишлоғидан, калхўзимизнинг нариги чеккасидан. Калхўздагиларни қўяверинг, ҳатто, сизнинг шажарангизни айтиб бериши мумкин», — деди. Содиқ ака шунда пастки лабини бармоқлари билан силаб енгил кулиб олгандан сўнг қўнғироту жуз уруғлари ҳақида бир соатча гурунг берганини ҳали-ҳамон эслайман.

Шу одамда иккита олий мактабнинг дипломи бор. Иккаласи ҳам — имтиёзли. Бир замонлар нуфузи баланд идорада ишлади. «ГАЗ—24» хизматини қилди. Бора-бора «камчилик»лари кўзга ташланиб қолди. «Камчилик»лари нима эди, деб сўрарсиз. Тўғрисўзлиги эди. Беғаразлиги, хушомадни билмаслиги, соддалиги эди. Ўша «Содиқ Суюн» деган одамга содиқлиги эди. Бу камчиликлар «Компартия номенклатураси» деган доирага сиғмади шекилли, катта кемадан уни секин силжитиб қўйдилар. Ҳозир у калхўзда қонуншунос маслаҳатчими, ер ўлчовчими, ишқилиб оҳори кетган шляпани кийиб югуриб-елиб ишлаб юрибди. Унинг танимаган одами йўқ. Айни замонда уни ҳамма- ҳамма танийди. Ҳурмат қилади. Унинг хуш фазилатларидан гурунглашиб кўнгилларини ёзишади.

Бир гал мен Суюновга «Сиз Қумқўрғоннинг Хорун ар-Рашидисиз», — дедим.

— Ўҳ, тилга эҳтиёт бўлинг, — деди у фавқулодда ҳушёр тортиб, — биласизми...

— Биламан, — дейман мен ҳам бўш келмай. — Турмушнинг ўнқир-чўнқирларидан деймизми, ташвишу, савдоларидан деймизми, заррача бўлсин, ўксинмайсиз. Ўксинишни билмайсиз. Нимагадир... Ишонасиз. Бу дунёни... тушунасиз.

— Сиз бўлса, «олтмиш центнерчи» бўп кетдингиз, — дейди Содиқ ака гапни яна пахта мавзусига буришга ҳаракат қилиб.

Мен унга нима демоқчи бўлганини тушунмагандай қарайман.

—Нимани ёзай бўлмаса, айтингчи...

— Айтаман. Одамларни ёзинг. Равшан Поён деган чол бор калхўзимизда. Шу одамни ёзинг. Мана, бир кунда бир гектар ердаги ғаллани ўради. Ҳа-ай, мухбир укам-ей, комбайн қаерда, ўроқ билан ўради. Куракдаги тупроқни, лойни беш газ баландликка отиб ариқ қазиган. Пахса девор қилинаётганда бир варакайига учта устага лой обериб улгурган саксонга киряпти. Лекин ҳали-ҳали ойнинг ёруғида китобга кўзи ўтади. Ҳали-ҳали телевизордан қўйиладиган ҳиндча киноларга ўч.

Бирмунча вақт ўтиб, яна учрашиб қолганимизда мен Содиқ акага Равшан бобо ҳақида ёзган мақоламни бўлим мудири (ўшанда вилоят газетасида ишлардим, саксонинчи йилларнинг бошлари эди) қайтарганини билдирдим.

— Унда техниканинг шарофатию илмнинг мўъжизаси, деб ёзишингиздан қолманг, — деди у гапни майдалаб ўтирмай. — Лекин бир гапни эшитинг: неки шарофату неки мўъжиза бўлса, бариси яратганнинг марҳамати. Равшан бобо — саодатманд одам. Саодатмандликнинг белгиси не, биласизми? Саодатманд одамнинг ризқи ҳалолидин турур. Газета тили билан айтсак, меҳнатдин турур. Саодатманд одамлар табиатни инжиқ деб қарғамайдилар. Техникамиз эскирди, эҳтиёт қисми танқис деб нолимайдилар. Ишлайдилар. Шунга яраша яшайдилар. Дунёнинг куйига тушмасдан шукроналик билан, қаноат билан. Вақти келадики, ҳали Равшан бобога ўхшаганларни излаб қоласизлар. Ёзиб қоласизлар. Ўшанда Содиқ акангизнинг шу гапларини эслаб қўйсангиз, бас.

Яқинда денг, шу хўжаликка (хўжалик ҳозир Сафар Бойматов номи билан юритилади) йўлим тушди. Эргаш Жумаев (раис)дан ғаллани сўрадим. Раиснинг жавобидан ажабландим. Жавобининг бошида Равшан бобони тилга олди. Ана шундай меҳнаткаш одам саксон бешнинг устида (саксон бешга кириб демоқчи) давра қилди, деб қўлини юзига тортди.

— Олтибоев деган калхўзчимиз бор. Исми — Сарибой — дейди Эргаш ака гурунгни давом қилиб. — Ўзига тўқ одам, чунки — ишлайди. Бир кунда ярим гектарнинг шолисини ўради. Омборидан дони, дастурхонидан нони аримайди. Ана шундай меҳнаткаш одамлар яшаган тупроққа худонинг марҳамати ёғилиб туради.

Содиқ аканинг бундан ўн беш йиллар аввал айтган гапини эсладим. Тағин ажабсиндим.

— Равшан бобо, Сарибой бобо... Ўзи меҳнатни жонидан яхши кўрадиганларнинг калхўзи экан-да, — дейман раисга.

— Гў-ўрда, — дейди раис кулиб. — Ишни кўрса девдан қўрқиб, етак- бошини кўтариб қочадиганлар ҳам оз эмас. Элчилик-да. Бирови идорага кепти. Келбатини кўрсанг, кўзинг тўяди. Тоғни урсанг талқон қилгудек кўриниши бор. Буғдой дейди. Етти қовурғаси эгилиб сўранади. Буғдой — далада. Марҳамат, ўринг-да, олинг дейман. Йў-ўқ, раис бўлсангиз, ўриб берасиз, тайёрлаб берасиз, омбордан берасиз, дейди. Ҳа-па демасанг, нонни оғзимга чайнаб сол, дейди.. Раис бўлсанг, боқ бизни, тўйдир бизни... Бу дунёда данғасаликдан, ўзининг қорнини, ғамини ўзгаларга солиб туришдан ёмон сурбетликни кўрмадим.

Саримбой акани нимага эслатдим. Саримбой акага ўхшаганлар шунақа дангасаларга сабоқ. Бу йил мана, томорқалар билан қўшиб айтсам, икки минг гектардан зиёд ерда ғалламиз бор. Минг киши ўроққа чиқди. Бир гектар ўрганга 200 килограмм буғдой бериляпти. Кўпда Ҳизир бор, дейдилар. Кўп бир ёқадан бош чиқариб, бир ишга жазм қилдими, музни кўчиради. Комбайнларни яхши ишлатдик. Бу ҳақда гап йўқ. Лекин ўроқчиларнинг иши ғалла ўримини қарийб икки бараварга тезлаштирганини айтингда.

—Умуман, Сизни Эргаш ака, одамларнинг қорнини тўйдираётган раис, деб гапиришади. Калхўзчиларга ун, шоли, мой, гўшт, сут бериляпти. Иссиқ-совуғидан хабардорсиз. Омбор обод... Кейинги учтўрт йилда адирликка сув чиқариб, бир ярим минг гектарда боғ қилганингиз ҳаммасидан ҳам яхши бўлди. Гектарлаб ўрикзор, олмазор, хурмозор, ёнғоқзор, узумзорлар...

Эргаш ака бир пас ўйланиб қолди. Кулди. Сўнг ўзига ўзи гапираётгандай секин деди:

—Раис—битта одам. Аҳоли бўлса — ўттиз минг. Олти минг гектарни 130 насос билан суғорамиз. Олти кўтарма билан суғориладиган ерларимиз бор. Электр харажатимиз ойига тўрт миллион сўм. «Сурхонтола» деган жамият етти тонна толага битта трактор айирбош қилди. Завод бўлса ҳали тўқсон учинчи йилги толамизнинг пулини узгани йўқ. Санайверсам, бу муаммолардан бошим айланиб кетади.

Қўрқиш, иккиланиш йўқ. Аксинча, умид бор. Ишонч бор. Шу умидимиз, ишончимиз — одамлардан. Ҳали эсладиму, Сарибой акани. Шунақа одамлардан ишончимиз. Одамларни битта раис боқолмайди. Одам ўзини ўзи эплаши-тирикчиликнинг энг катта ҳикмати. Шу ҳикмат тобора томир отмоқда. Калхўзни давлат, одамларни калхўз боқади, деган боқимандалик қарашларини четга суриб томир отмоқда.

Биз ишлашга ўрганяпмиз. Стахановга ўхшаб эмас, Олтибоевга ўхшаб. Равшан боболарга ўхшаб. Бировга тақлид қилиб эмас, бошқа биров учун ҳам эмас. Ўзимизча, ўзимиз учун. Элимиз, Ватанимиз учун. Одам меҳнатига яраша яшайди. Демак...

Олимжон УСАНОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Айни кунларда мамлакатимизнинг қайси бозорига борманг, серобчиликни кўрасиз. Айниқса, Тошкент бозорларининг ҳуснига ҳуси қўшилган. Турли-туман мева-чевалар, сабзавоту полиз маҳсулотлари бозор пештахталарини тўлдириб турибди. Нархи ҳам анча арзон.

Ана шундай мўл-кўлчиликка эришишда Тошкент туманининг қўли гул фермерлари қўшаётган ҳисса салмоқли. Жумладан, тумандаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги фермери Ҳоким Азимов сабзавот ва мевалардан мўл ҳосил етиштирди. У 42 гектар ерда деҳқончилик қилади. Тажрибали деҳқон раҳбарлик қилаётган ушбу фермер хўжалигида даромад ҳам мўл ҳосилга яраша сероб бўлаётир. Шу хўжалик аъзоси Саидхон Саидов эса 50 сотих ерга картошка экиб, 20 тоннадан зиёд ҳосил олди. Етиштирилган ҳосил пешма-пеш эл дастурхонига етказиб берилмоқда.

СУРАТДА: Саидхон Саидов (ўртада) фарзандлари Орифхон ва Маъруфхонлар билан етиштирилган ҳосилни кўздан кечирмоқда.

Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

МУЛК ШАКЛИ ЎЗГАРГАЧ...

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қумитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси буйруғига биноан «Узсаноатфуқароқурилиш» корпорациясининг 4-махсус трести очиқ турдаги «Тошсаноатфуқароқурилиш» акционерлик жамиятига айлантирилган. Ушбу жамият жорий йилнинг май ойида меҳнат жамоаси улуши бўйича 4783 та акцияга эга бўлди. Акционерлик жамиятининг Устав фонди 976,1 минг сўмни ташкил этади. Бунга ҳар бири 100 сўмдан бўлган 9761 дона акция чиқарилди. Меҳнат жамоаси қушган ҳисса 478,3 минг сўм — 49 фоизни ташкил этади.

— 1995 йилнинг ўтган даври мобайнида қўлга киритилган техник иқтисодий курсаткичларга назар ташласа, — дейди акционерлик жамияти раиси Абдулла Мустафоев, — жамоада меҳнатга муносабат узгарганлигини, одамларда мулкка эгалик масъулияти ошганлигини кузатиш мумкин. Бинобарин жорий йилнинг беш ойида утган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиш 132,7 фоизни ташкил этди. Ҳар бир ходим иш унуми 114, 5 фоиз кўтарилди. Яқин вақт ичида Қибрай нефть маҳсулот идораси, Қибрай спорт комплекси, Отчопар томонда янги буюм бозори қуриб ишга туширилди. Ҳозирги пайтда Шимолий-шарқ ва Троцкий шоссеси йуналишида «Исиқ нон» магазинига эга новвойхоналар қурилиши тугалланмоқда.

Акционерлик жамияти жамоаси ходимлари мумай иш ҳақи олишмоқда, йил бошидан буён ўртача ойлик 2558 сумни ташкил этади. Шу йилнинг биринчи чорагида 13,8 миллион сўм даромад олинди. Одамларга ғамхўрлик ҳар қачонгидан кучайтирилган: бепул тушлик овқат, таътилга моддий ёрдам, ёз фаслида «Қурувчи» дам олиш уйида ҳордиқ чиқариш имконияти бор. Жамият аҳли бугунги бунёдкорона меҳнат Узбекистонимизнинг эртанги куни, буюк келажаги учун муносиб ҳисса бўлишини яхши биладилар.

Адиба ҒОЙИПОВА.

АМЕРИКАЛИК ЖУРНАЛИСТ НИМАЛАРНИ КЎРМАГАН?

«Правда Востока» таҳририяти» «Мост» газетасининг ўз журналисти мақоласи босилган нусхасини олди. Мақола газетхон учун қизиқарли бўлса керак деб ўйлаб, уни қисқартириб босмоқдамиз.

Яқинда мен «Нью-Йорк таймс» газетасида Ўзбекистон тўғрисида босилган мақолани олдим.

Мақола муаллифи Майкл Спектор Москвада яшайди. Унинг газетаси ижтимоий фикрни шакллантиради, ана шу фикрларнинг кўпчилиги муҳокама қилиш учун конгрессга қўйилади. Бу газета сонлари шундан кейин ҳам муҳим сиёсий масалаларни ёритиш чоғида ақл-зиё марказлари таҳлилчилари учун ахборот манбаи сифатида ўз хизмат вазифасини бажаришни давом эттиради.

Лекин, мақоланинг «Ўзбекистонда советча бошқарув аҳолининг беташвиш турмушини таъминламоқда» деган сарлавҳасига қараб, беихтиёр хушёр тортдим. «Советчасига бошқарув» беташвиш турмушни таъминлай оладими ахир?

Мақола матнига кўз югуртираман. «Ўзбекистон, Тошкент. Собиқ СССР мамлакатларида ҳаёт жўш урмоқда. Фуқаролар урушлари бошланмоқда ва демократиянинг дастлабки куртаклари пайдо бўлмоқда. Буларнинг барчасига иқтисодий ва сиёсий тартибсизлик ҳамоҳангдир. Одамлар ҳаддан ташқари кўп эркинликка дуч келишди. Лекин, бу мамлакатда аҳвол бутунлай бошқача... Бу ерда ҳамма нарса эскича», — деб хулоса чиқаради муаллиф.

Газетхон мақоладаги асосий фикрни пайқаб олди, албатта: «у ерларда» демократиянинг дастлабки куртаклари пайдо бўлмоқда». Эҳтимол, жаноб Спектор бу куртакларни Душанбе, Тбилиси, Сухумида ёки «Град» ракета тизимидан ялписига отилган ракеталардан бутунлай вайрон бўлган Тоғли Қорабоғ шаҳарлари ва овулларидаги фуқаролар уйларининг вайроналари орасида кўргандир. Шахсан мен бу «демократия куртаклари» бомбалар ва снаряд парчалари ўйиб ташлаган, одам бўйи чуқурлигидаги ҳандақлар қазилган Жириновскийларнинг собиқ Иттифоқнинг мустақил республикалари халқини тиз чўктириш орзуси баъзи жойларда рўёбга чиқмоқда. Улар бир эмас, бир неча марта «Ўзлари ялиниб келишади», — дейишган эди. Спектор эса Ўзбекистон — совет ўтмишига чуқур ботиб қолган мамлакат, у ерда автомобилларни доимо тўхтатиб, сабабсиз тинтув ўтказишади, пиёдаларнинг эҳтиёткор кўзлари ҳамиша ерга қадалган, деб жар солмоқда.

Ўзбекистон Давлат автомобиль назорати ҳамма маркадаги машиналарнинг ҳайдовчиларига ҳамиша талабчан бўлиб келган. Спекторнинг гапларига мен ҳатто қўшимча қилишим мумкин. Бу сержантларнинг хизматдаги фидойилиги ҳаммага маълум. Улар ишни яхши кўришарди. Ҳатто иш вақтидан ортиқча бўлса ҳам хизматни ўташга тайёр эди. Буни бошқа республикалардаги ҳайдовчилар ҳам тасдиқлаши мумкин. Уларнинг ўртасидаги зиддиятни йўл хизмати ходимлари иш ҳақининг камлиги, оилаларининг серфарзандлиги авжига чиқарарди.

Кўпчилик ўғирлик қиларди: бировлар чакана ўғирлик қилса, бошқалар катта ўғирлик билан шуғулланарди. Марказий қўмитадаги партия раҳбарларининг валюта ҳисоблари ҳанузгача рязанлик колхозчи ёки Тюмендаги нефтчига маълум эмас. Аммо, ловуллаб турган Афғонистон чегарасидан ҳам, тинчлигини йўқотган Тожикистондан ҳам қурол-яроғ келиши мумкин бўлган йўл бор. Террорчилар, наркотик, портловчи моддалар, қуролли гуруҳлар республика ҳудудига шу йўлдан келиши мумкин. Ироқ, Ливия, Туркия лагерларида тайёргарлик кўрган ашаддийлар-чи?

Хуллас, Майкл, милиция ходимлари машиналарини кўздан кечириш учун тўхтатишганидан хафа бўлманг. Бизнинг америкача турмушимизда сунгги пайтларнинг ўзида содир бўлган бир қанча террорчилик ҳодисаларини эсласак, Ўзбекистон милицияси ходимларининг тажрибаси ҳисобга олинса, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Италияда муҳожирликда юрган пайтимда автоматлар билан қуролланган полициячилар машиналарни тўхтатганини жуда кўп кўрганман. Бундай пайтларда ҳайдовчилар ортиқча ҳаракат қилишдан қўрқишарди: полициячининг сергак кўзлари ортиқча ҳаракатни ўзича баҳолаши, автоматдан отилган ўқ ҳар қандай баҳсга нуқта қўйиши мумкин эди.

Исроил йўлларида ҳам аҳвол шундай. Лекин бу давлатларда демократиянинг мавжудлигига ҳеч ким шубҳа қилаётгани йўқ.

Ҳатто қўшимча қилишим мумкин: аҳоли осойишталигини кўзлаб, йўлларда бундай тадбирларни амалга ошириш — демократиянинг энг муҳим гаровидир. Айниқса, ҳозирги ташвишли даврда бу жуда муҳим.

Молини Ўзбекистон чегаралари орқали олиб ўтиш осон эмаслигига амин бўлган маҳфия бангфурушлари буни англаб етган. Ўнлаб тонна ажал уруғи Ўзбекистон диёрида ушлаб қолиниб, халқаро кузатувчилар кўз олдида ёндириб юборилмоқда. Республика Интерполга қабул қилинган.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқий органлари ашаддий жиноятчиликка чек қўйишди. Республика пойтахти ва барча шаҳарларининг кўчалари бандит, рэкетчи, зўравон, машиналарни олиб қочувчилардан тозаланган.

Жаноб Спектор, ўзингиз мамлакат бозорлари сархил мевалар билан тўла, нархи ҳам қиммат эмас, деб ёзасиз-ку. Ҳар хил масаллиқлар уйиб ташланган узундан-узун пештахта қаторларини, иссиқ нон ҳамда бир фунти бир доллардан сотилаётган янги сўйилган қўй гўштини кўриб, ҳайратга тушасиз-ку. «Москвадаги кўпгина бозорлар бундай бозорларга ҳавас қилса арзийди», — деб таъкидлайсиз-ку.

Гапимга ишонинг, Майкл, мақолада таъкидлаганингиздек, бундай мўл-кўлчилик сизнинг Тошкентга қилган қисқа муддатли ташрифингиз вақтида кимнингдир илтимосига биноан пайдо бўлгани йўқ.

Эътиборингиз учун айтиб қўяйлик, мустақил давлатнинг ҳукумати текин фойдаланиш учун фуқароларга 20-25 сотихдан ер берди. 4 миллиондан кўпроқ деҳқон томорқасини кенгайтирди. Давлат қишлоқ аҳлига сара уруғлик, асбобускуна, ёнилғи, техника, бинокорлик материаллари билан ёрдам қилди.

Жаноб Спектор, сизга Ўзбекистон Президентининг халқаро сиёсатдаги фаол мавқеини ҳам эслатиб қўйиш ортиқчалик қилмаса керак. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 130 дан ортиқ мамлакат тан олган. Тошкентда 38 та элчихона очилган. Бундан ташқари, ўнлаб консулхоналар, халқаро ташкилотларнинг 20 дан ортиқ ваколатхоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон пахта толаси, рангли металлар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар гуруҳига киради. Япония компанияларининг фаол иштироки билан солинмоқда. Бу эса, республикага яқин йиллар ичида ёнилғига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш имконини беради. Германия компаниялари ҳам фойдали қазилмалар конларини ўзлаштирмоқда.

Йирик «ДЭУ» (Жанубий Корея) компанияси автомобиль заводи қурмоқда, мева ва пахтани қайта ишлаш бўйича технология линияларини етказиб бермоқда.

Ўзбекистон ҳудудида 1300 дан ортиқ қўшма корхона муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Улар ички бозор учун ҳам, ташқи бозорга экспорт қилиш учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқармоқда. «Совпластитал» (Ўзбекистон — Италия корхонаси), «Кока-кола» (АҚШ), «Мерседес-Бенц» (Германия), «Рэнк ксерокс» (Буюк Британия) шулар жумласидандир.

Келтирилган мисоллар, жаноб Спектор, сизнинг гапларингизни пучга чиқаради. Ўзбекистон «Чуқур совет ўтумишида қолиб кетган» деган фикрингиз, менимча, васвасадан бошқа нарса эмас.

Яна бир мулоҳаза. Европа ва Яқин Шарқдаги кўпгина мамлакатларнинг савдо-саноат доиралари Ўзбекистонда эришилган сиёсий ва иқтисодий барқарорлик даражасидан қониққан ҳолда бу республика билан фаол ҳамкорлик қилишмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ички можароларни ҳал қилишга, фуқаролар урушига, ўз иқтисодий тармоқларини вайрон қилишга вақт сарфлаб ўтиргани йўқ. Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб, (муқобиллик асосида) президентлик бошқарувини жорий этди. Халқаро мутахассислар томонидан обдон ўрганилган Конституция умумхалқ муҳокамасидан сўнг парламент томонидан қабул қилинди.

Ўзбекистон ҳукуматининг ҳозирги йўли Ўзбекистон аҳолисининг манфаатларига мос келиши мутлақо равшан. Бироқ, Майкл Спектор бу республикада юз берган асосий ўзгаришларни сезишни лозим топмабди.

Владимир ПИЛЬНЯК.
«Мост» газетаси.
АҚШ.
(«Правда Востока», 1995 йил 7 июль).

Боқий шажара

АНУШТЕГИНИЙЛАР СУЛОЛАСИ

(Ун бешинчи мақола)

Ўзбек давлатчилиги тараққиётида ҳар бир воҳаю водийнинг ҳиссаси бўлиб келганини биз бир неча бор кўрдик. Шу маънода XI — XIIаср бошларида кўҳна Хоразм вилоятида кечган сиёсий жараён ва унинг минтақага таъсири катта қизиқиш уйғотади. Биз қуйида шу ердан етишиб чиққан, кўпроқ хоразмшоҳлар номи-ла машҳур сулолалар фаолияти ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Хоразмшоҳ дейилганда аслида мазкур вилоятда ҳукмронлик қилган сиёсий сулолалар унвони тушунилади. Яъни Хоразм ҳукмдори (шоҳи) маъносини беради. Узоқ асрлар давомида бу вилоятда бир қатор сулолалар хоразмшоҳлар унвони остида фаолият кўрсатганликларини биламиз. Масалан, IV — X асрларда Афригийлар хонадони; 995—1017 йилларда эса Маъмунийлар (Маъмун I, Абулҳасан Али, Маъмун II); 1017—1041 йилларда эса Олтунтошийлар (Олтунтош, Ҳорун, Хандон) сулолалари хоразмшоҳлар унвони билан бошқарув курсисида утирганлар. Аммо Хоразм доирасидан ташқарига чиқиб бошқарувнинг салтанат даражасига эришган сулола бу Нуштегинийлардир (1097—1231). Суз ҳам ана шу Нуштегинийлар (Ануштегинийлар) ҳақида.

Нуштегинийлар бошловчиси Нуштегин (вафоти 1097 йил) ҳисобланади. Олдинги мақолада кўрганимиздек, XI аср иккинчи ярмида Салжуқийлар омади чопган вақтлар эди. Нуштегин ҳам асли Салжуқий ҳукмдорларидан Султон Маликшоҳ (1072—1092) мансабдорларидан бўлиб, узининг намунали хизмати эвазига юксак мартаба ва ҳукмдорнинг яқин аёнларидан бири даражасига эришади. Тахминан 1077 йилда у Хоразм шихналиги (комендант маъносида) вазифасига тайинланади. 1097 йили эса унинг ўғли Қутбиддин Муҳаммад Хоразм волийси, яъни ҳокими мавқеига эришади. Унинг ҳокимлиги фақат Хоразм доирасида бўлгани табиий. Чунки, Қутбиддин Муҳаммад салжуқийлар даргоҳига қарам эди. Ҳар йили узи ё ўғли Отсиз орқали марказга вилоятдан ундирилган солиқни олиб бориб турарди. Худди мана шу Отсиз (тўлиқ исми Малик Абу Музаффар Оловиддин Жалолиддин Отсиз) отасидан сўнг Салжуқийлардан Санжар ҳукми билан Хоразм волийлигига тайинланади. Бу вақтда у ҳали 30 га ҳам кирмаганди. Отсиз ҳам аввалига отаси каби Салжуқийлар хонадонига сидқидилдан кўп хизмат қилади. Аммо сиёсатда бўлганидек, уз мавқеи мустаҳкамланиб ва аксинча рақобатчилари заифлаша борганини сезган ҳолда Салжуқийларга қарамликдан бош торта бошлайди. Гарчи фаолиятининг сўнгги 20 йили давомида у мутлақ мустақилликка эришиш ва бу билан ҳам чегараланмай уз ҳукмини Сирдарё қуйи оқимлари ва Хуросонга ҳам утказишга интилган бўлса-да, аммо моҳият эътибори билан айтадиган бўлсак, унинг замонида Хоразм вилояти тула мустақилликка эриша олмади. Агар Отсиз замонаси сиёсий манзарасига назар ташлангудек бўлсак, бу вазифани ҳал этиш ҳақиқатан ҳам қийин эканлигини сезамиз. Аввало нима бўлганда ҳам Султон Санжар ғоятда катта қудратга эга эди. Бунга Отсизнинг узи ҳам бир неча бор иқрор бўлиб тан берган. Иккинчи томондан шу асрнинг 30-йиллари охири ва 40-йиллари бошида Марказий Осиё сиёсий майдонига чиққан янги куч қорахитойлар ҳам ниҳоятда қувватга тўлиб турган эдилар. Бекорга Отсиз мазкур қорахитойларга йилига 30 минг олтин динор тўлаб туришни бўйнига олмаган, албатта. Аммо, шу билан бирга Отсиз фаолияти уз сулоласининг кейинги ун йилликларда Марказий Осиё ва ундан ташқарида ҳам амалга оширган ҳаракатларининг асосини яратишда беқиёс бўлди. Яъни Отсиз Нуштегинийлар хонадони нафақат бир вилоят, балки улкан минтақада ҳам сиёсат юргизиши, мана-ман деган сиёсий кучлар билан рақобатлаша олишига қодирлигини амалда кўрсатганди. Отсиз ва Султон Санжар кетма-кет (1156 ва 1157 йиллар) охиратга сафар қилганлар. Отсиз сиёсатини ўғли Эл Арслон (1156—1172) давом эттиради. Очиғини айтиш керак, бу вақтга келиб минтақадаги вазият ҳам анча «бўшашганди». Бу энг аввало Султон Санжарнинг улимидан кейин Салжуқийлар хонадонидан унинг ўрнини боса оладиган етук сиёсатчининг чиқмаганлигидан десак тўғри булади. Гапнинг қисқаси, Султон Санжар вафотидан сўнг Шарқий Салжуқийлар давлат бирлиги инқирозга учраган эди. Бундай шароитда Эл Арслон учун Хоразмда уз мустақил сиёсатини юргизишга эришиш мушкул эмасди. У фақат бу билан чегараланибгина қолмай, минтақа бўйлаб ҳам фаол сиёсат юргиза бошлайди. Чунончи,1158 йили Моваройуннаҳрда қорахитойлар билан тўқнашиб қўли баланд келган ҳолда сулҳ тузади. 1167 йили эса Нишопурни олади ва Озарбайжонга ҳарбий юриш уюштиради. Аммо Эл Арслонга ҳам марказида Хоразм бўлган, барча томонидан тан олинган бирон-бир қудратли сисий-давлат бирлигига асос солиш насиб этмаганди.

Хоразмшоҳларнинг забардаст сиёсий куч сифатида руёбга чиқа олмаганликларининг бош сабабларидан бири — бу ички низоларга барҳам бера олмаганликдир. Чунончи Эл Арслондан сўнг унинг уғиллари Оловиддин Текиш ва Султоншоҳ Маҳмуд ўртасида 20 йилдан ортиқ вақт давомида тахт учун кураш кетади. Ҳар иккови ҳам гоҳ қорахитойларга, гоҳ Ҳиротдан Шимолий Ҳиндистонгача ҳудудда ҳукмронлик қилиб турган Ғурийлар сулоласига, гоҳ эса Хуросон амирларига суянган ҳолда узаро курашдилар. Бирон-бир нафақат чиқмади. На сулола, на Хоразм юксалди. Фақат Султоншоҳ вафотидан сунгтина (1193) Текиш якка ҳукмдор сифатида кенг қамровли сиёсат юргизиш имконига эга бўлди. 1194 йили у Ғарбий Эроннинг аксар қисмини бўйсундирди, кейин Кермонда ҳам унинг номидан хутба ўқилди. Ҳукмронлиги сўнгида у ҳатто Бағдодни — халифалик пойтахтини забт этишга ҳам шайланди. Аммо юриш чоғида 1200 йилнинг ёзида йўлда вафот этди. Ундан қолган мерос Туркистон, Хуросон ва Эронни уз ичига олган подшоҳлик курсисига уғли Қутбиддин Муҳаммад чиқади. 1210 ва 1212 йилларда икки уринишда у қорахитойлар масаласини бутунлай ҳал этади. Бу воқеа унинг обру-эътиборини ниҳоятда ошириб юборди. Иккинчи Искандар, Султон Санжар лақаблари билан машҳур бўлган Султон Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ саъй-ҳаракатлари туфайли 1217 йилга келиб Озарбайжон, Эрон, Хуросондан Ҳиндистонгача бўлган ерлар Хоразмшоҳлар измига тушганди. Шу йил охирида у ҳам Бағдодни эгаллаш ҳаракатига тушади. Аммо об-ҳаво оғир келиб мулжал амалга ошмай қолади. Султон Муҳаммаднинг асосий мақсади Сурия, Кичик Осиё ва Мисрни ҳам бўйсундириш эди. Хуллас, Чингизхон босқини арафасида Хоразмшоҳлар сулоласи дунёнинг энг қудратли сиёсий кучларидан бири ҳисобланарди. Орол денгизидан Ҳинд океанигача, Ироқдан Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудни уз ҳукмида тутиб турарди.

Худди шу даврда Шарқда бошқа бир давлат қудратга тўлиб бораётганди. Албатта биз Чингизхон асос солган давлатни назарда тутаяпмиз. Чингизхон ва мўғуллар босқини ҳақида кўп айтилган ва ёзилган.

Демак, XIII аср ўнинчи йиллари сўнгида Шарқда икки йирик куч: Хоразмшоҳлар ва Чингизийлар ҳукмронлиги шароитида уларнинг узаро тўқнашишлари табиий бир ҳол эди. Қатор манбалар, илмий адабиётларда Чингизхоннинг Моваройуннаҳрга юриши сабабини турли йўллар билан изоҳлашга ҳаракат қилинади.Одатда Чингизхоннинг Моваройуннаҳрга лашкар тортишига сабаб қилиб **Ўтрор воқеаси** кўрсатилади. Яъни Чингизхон томонидан юборилган элчилик—савдо карвонининг Утрорда қатл этилиши Чингизхон ғазабини қузғаган деган қабилдаги фикрлар илгари сурилади. Бу борада ташаббус кўпроқ Чингизхон томонда бўлган. 1218 йили Хоразмшоҳга юборган номасида у Султон Муҳаммадга уғлим деб мурожаат қилади. Дипломатия тилида бу «қаролим» деган билан баробар эди. Аслида бу жангга ундаш эди. Қандайдир, ҳозирча бизга номаълум сабабларга кўра, Султон Муҳамммад бундай қилмайди. Энди Утрордаги воқеага келсак, элчилар ва савдогарларнинг ўлдирилиши ҳам айб сифатида Султон Муҳаммадга қўйиб келинади. Ваҳолонки, бизнинг назаримизда, унинг бундан бошқа иложи йўқ эди. Бу карвон фақат элчилик ва савдо карвони бўлмай, балки ундаги 100 кишига улкадаги турли ерларда савдо билан шуғулланиш учун Чингизхон кўрсатмаси билан маблағ ажратилган эди. Бошқача айтганда, бу юз киши аслида жосуслик фаолияти билан шуғулланишлари мўлжал қилинганди. Умуман олганда Чингизхон бўлажак жанг майдони бўлмиш улкани жуда яхши урганган. Буни Султон Муҳаммад биларди ва бунга чек қўйиш зарурлигини ҳам англарди. Биз ҳатто шундай фараз қилишимиз мумкинки, Утрордаги тўкилган қон Чингизхон томонидан аввалдан пишитилган режа асосида амалга оширилган. Чунки, мазкур воқеа тарихий баёнида бир чўпчакнамо жиҳат бор. Яъни карвоннинг барча кишилари қириб ташлангану, фақат бир кишигина омон қолиб, бу ҳақдаги хабарни Чингизхонга етказган. Ваҳолонки, шундай катта шаҳар Утрорда бир неча юз кишининг қатл этилиши нима бўлганда ҳам бекитиқча қолмасди.

Уз урнида Султон Муҳаммад ҳам қатор хатоларга йўл қўйган. Чунончи, душман билан буладиган жангларда қандай тактикадан фойдаланиш масаласида у саботсизлик ва қалтабинлик қилди. Ваҳолонки, ҳарбий кенгашда бир қатор таклифлар ўртага ташланганди: барча ҳарбий кучни (400 минг киши атрофида) бир ерга тўплаб ҳарбий юришда толиқиб турган душманга Сирдарё бўйида ҳужум қилиш; ғанимни Моваройуннаҳрга киритиб, қулай вазиятда унга зарба бериш (Жалолиддин Хоразмшоҳ таклифи); тоғларга чекинган ҳолда мўғуллар учун ноқулай шароитда жанг қилиш; Ғазна ва ҳатто Ҳиндистон томон чекиниб, уша ерларда жанг олиб бориш. Султон Муҳаммад буларнинг барчасини инкор қилган ҳолда бошқа бир йўлни танлайди, яъни ҳар бир шаҳар ва қалъа уз кучига суянган ҳолда алоҳида-алоҳида ҳимояланишини маъқул топади. Бу эса ҳарбий кучни аввалбошданоқ бир неча қисмга бўлиниб кетишига олиб келади. Натижада 1220 йили Бухоро, Самарқанд, 1221 йили Урганж, Термиз қўлдан кетади. Хўжанд ҳокими Темур Малик, Жалолиддин Хоразмшоҳ мардликлари нечоғлик юқори бўлишига қарамай, тащаббус қўлдан кетгани сабаб урушда ютқизилади. Шу ерда биз бир масалага — мағлубиятнинг бош сабабига диққатни жалб этмасдан қололмаймиз.

Чингизхон нечоғлик қудратли қушинга ва ақл-заковатга эга бўлишидан қатъи назар Султон Муҳаммаднинг имкониятлари ундан кам эмасди. Юқорида тилга олинган улкан ҳудудни уз қўли остида бирлаштиришга муваффақ бўлганлиги унинг имкониятлари ниҳоятда катта бўлганидан далолат беради. Шунга қарамай маданий тараққиётда қолоқ бўлган сиёсий кучга қураш бой берилди. Бунинг сабаби нимада? Фикримизча, Султон Муҳаммад ҳукмронлиги даврида давлатчиликда узига хос икки ҳокимиятчиликнинг юзага келиши! Утган мақолада Низомулмулкнинг подшоҳлик ишига аёллар ва ғудакларни аралаштирмаслик кераклиги ҳақидаги фикрини келтириб утгандик. Султон Муҳаммад замонида эса худди шу ҳол юзага келади. Унинг онаси Туркон хотун давлат ишларига тўғридан-тўғри аралаша бошлайди. Давлат бошқарувидаги энг муҳим масала — давомийлик, яъни валиаҳдлик масаласига аралашиб, узининг ҳукмини утказади. Валиаҳд қилиб Султон Муҳаммад мўлжаллаган Жалолиддин эмас, онаси талаб қилган номзод — кенжатой Узлоқшоҳ тайинланади. Кенжа уғилнинг онаси эса уз урнида Туркон хотун қавмидан бўлиб, Туркон хотун уз қавмларига доим ён босиб келарди. Туркон хотун эса аслида қипчоқ уруғларидан бўлиб, уз вақтида Текиш қипчоқларни уз томонига оғдириш ниятида унга, қипчоқ хони қизига уйланганди. Вақти келиб Туркон хотун кўмагида қипчоқлар Хоразмшоҳлар салтанатида катта мавқега эга бўлиб қолишларини у хаёлига келтирибди дейсизми. Хуллас, кучманчи шароитдан чиқиб утроқ ва юксак маданиятли муҳитда бирданига юксак даражага эришган амирлар, ҳарбийлар иложи борича уз мавқеларини қандай бўлмасин мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилганлар. Қолоқлик аҳволидан бирданига, деярли ҳеч бир уринишсиз, Туркон хотун ёрдамида маданиятнинг ва у билан боғлиқ барчанинг марказида бўлиб қолиш, албатта эгаллаган жойни сақлашга ундайди. Лекин бу жараён Хоразмшоҳлар ва умуман давлатчилик устунлари заифлашиши ҳисобига кечди. Султон Муҳаммад ва ана шу тоифа амирлари уртасидаги тафовут шунчалар бўлганки, Чингизхон кўрсатмаси билан бир қалбаки хат тузилган ва унда гўёки мазкур тоифа амирлари Чингизхонга мурожаат қилиб, уни зориқиб кутаётганликларини ёзадилар. Бу хат жосуслар орқали тарқатилиб Султон Муҳаммадга етиб боради ва унинг собитлигига катта зарба беради.

Демак давлат марказида қабилавий манфаатларни ҳаммадан афзал билувчиларга ўрин бўлмаслиги керак экан. Бу борада Туркон хотун шунчалар паст бўлганки, Чингизхон тутқинликларида бўлиб турган бир вақтида, унга қочиб Жалолиддин олдига борайлик дейишганда, келиб чиқиши бошқа «Ойчечакнинг ўғли (Жалолиддинга) қарам бўлгандан» кўра Чингизхон қўлидаги асирлик ва бу ердаги камситишлар менга азизроқдир, деган экан.

Гарчи Султон Муҳаммад улими олдидан (1221 йили) ўғли Жалолиддинни валиаҳд қилиб тайинласада фурсат қўлдан кетганди. Шунга қарамай давлат ва халқ олдида уз масъулиятини ҳеч қачон унутмаган Жалолиддин душманга қарши курашни тухтатмайди. Тўғри, у Урганчни тарк этади ва аммо Нисо, Қандағор артофида, Чорикорда, Ғазна яқинида бўлган жангларда мўғулларга шундай зарбалар берадики, уз енгилмасликларига ортиқча бино қўйган мўғуллар ичини алам ва афсус доғ қилади. Шунда Жалолиддинга қарши шахсан Чингизхон отланади. Мана шу аҳволда давлатчилигимиз тарихида кўзга ташланиб келган бир нуқсонимиз яна панд беради. Сунгги жангда қўлга киритилган ўлжани тақсимлашда келишмовчилик чиқиб баъзи бир амирлар уз қушинлари билан Жалолиддинни тарк этадилар. Жалолиддин уларга қарата «бирга бўлайлик, умум душманга қарши биргаликда курашайлик» дейишига қарамай наф чиқмайди. Энг ачинарлиси, мўғуллар уша амирларни биттама-битта қириб ташлаганлар. Кучи қирқилган Жалолиддин эса Синд дарёси томон чекинади. Чингизхон уни тириклайин тутишни буюрган. Қули паст келаётганини сезган Жалолиддин бутун ҳарамини дарёга чўктиришни буюради, яъни яқинларини душман қулига тушишини хоҳламайди. Узи ҳам оти билан дарёга отилади ва эсон-омон нариги қиргоққа сузиб утиб олади. Бу манзарадан ҳайратга тушган Чингизхон: «Уғлинг бўлса, шундай бўлсин» деган экан.

Жалолиддиннинг шундан кейинги фаолиятини кузатадиган бўлсак, шу нарса ойдинлашадики, у Хоразмшоҳлар тахти вориси сифатида уз хонадонига тегишли бўлган ерларда ҳукмронлигини тиклашни мақсад қилиб қўйган. Шунга кўра, у аввал Шимолий Ҳиндистонда, сунг Кермон, Шероз, Исфаҳон ва Озарбайжонда Хоразмшоҳлар сиёсатини тиклайди. 1226 йили эса Тифлисни олади. Манбалардан бирида ёзилишича, Жалолиддин олдинига грузинлар билан тинч йўл билан келишишга ҳаракат қилган. Жумладан уларга қилган мурожаатида шундай дейилади: «Мен сизларнинг мамлакатингиз қудратини ва грузинлар шижоати ҳақида эшитганман. Эндиликда эса мен биргалашиб душманга (яъни мўғулларга — А. З.) қарши курашайлик дейман. Эшитишимча, ҳукмдорларинг аёл экан (бу ерда малика Русудана (1222—1245) назарда тутилмоқда — А. З.). У менга турмушга чиқсин ва мен сизларнинг ҳам ҳукмдорларинг бўлай ва биз биргаликда душманни мағлуб қилгаймиз». Русудана бунга кунмаган ва Жалолиддин Тифлисни жанг қилиб олган.

Бу вақтга келиб Жалолиддин Хоразмшоҳлар бошқариб келган салтанатнинг ғарбий қисмида уз ҳукмронлигини тиклашга муваффақ бўлганди. Шу билан бирга шарқдан мўғуллар хавфи кучайиб ҳам келарди. 1227 йили Исфаҳон атрофида Жалолиддин мўғулларга яна қақшатқич зарба беради. Бу уз урнида унинг мавқеи ва қудратини янада оширади. 1230 йили эса Жалолиддин Кичик Осиёнинг жанубий-шарқий қисмини забт этади. Бир сўз билан айтганда, мазкур йилларда Жалолиддин шарқдан босиб келаётган ва таъбир жоиз бўлса бутун дунёга хавф солаётган мўғуллар билан бас келишга ягона куч ва умуман Ғарбни улардан тўсиб турган қалқон ҳисобланарди. Буни ғарбий мусулмон давлатлари тан олардилар. Бу ҳақиқат мўғулларга ҳам аён эди. Шунинг учун ҳам улар Жалолиддинга мурожаат қилиб, узаро сулҳ тузишни таклиф қиладилар. Аммо у бунга юрмайди. Чунки уз она-юртини хароб этган, халқини хўрлаганлар билан келишишга унинг миллий ғурури йўл қўймасди. Гарчи Жалолиддиннинг тутган йўлини барча мусулмон давлатлари сиёсий кучлари тан олсалар-да, амалда унинг атрофига бирлашишни истамасдилар. Бу эса уз ўрнида мўғулларнинг ғарбга қараб силжишларига муносиб шароит яратиб берарди. 1231 йили Озарбайжонни забт этган мўғул қушинлари яна Жалолиддин қаршилигига учрайдилар. Аммо тасодиф туфайли 1231 йилнинг 17 ва 20 август оралиғида Жалолиддин бир курд томонидан Миёфориқин (Кичик Осиёда) атрофида ўлдирилади.

Хоразмшоҳлар замонида давлат бошқаруви қандай бўлган деган савол туғилиши табиий. Хоразмшоҳлар бошқарувида ҳам илгари қўриб ўтилган сулолалар бошқарувидан фарқли улароқ тизим бўлмаган. Зеро, бир томондан сулолалар ўзгариши билан воқелик, яъни макон ва анъаналар уша-ушалигича қолаверган, иккинчи томондан Нуштегинийлар маълум муддат Салжуқийлар даргоҳи билан ниҳоятда яқин муносабатда бўлганликлари учун улардаги бошқарув тизими тажрибасини ўзлаштиришлари қийин бўлмаган. Демак, давлат бошқаруви икки тизимдан даргоҳ ва девонлар мажмуидан иборат бўлган.

Даргоҳда ҳожиб, улуғ ҳожиб тутган мавқе хусусида биз олдинлари ҳам фикр юритгандик. Ҳожиблик хизмати Хоразмшоҳлар ҳаётида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Улуғ ҳожиб ҳукмдорнинг энг яқин кишиларидан бири ҳисобланган. Ҳожибларга ғоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифалар, масалан, махсус музокаралар олиб бориш ва ҳатто вазир фаолиятини тафтиш этиш каби ишлар топширилган. Даргоҳдаги барча ҳужалик хизматлари фаолиятини бошқариш устоздорга юклатилган. Султон чақирганда биринчи ҳозир бўладиган шахс ҳам устоздор ҳисобланган. Олий фармон ё қурсатма олган устоздор шунга кўра тегишли хизматларга буйруқ берган ва унинг гапини икки қилиш бўлмаган. У даргоҳнинг бутун чиқими масалалари билан шуғулланган, бундан ташқари бош ҳазина маблағларидан ҳам истифода этган ҳолда нонвойхона, ошхона, отхона, сарой хизматчиларини тегишли харажатлар билан таъминлар эди.

Амири охур мансаби ҳам масъулиятли ҳисобланиб унча-мунча киши у ерга тайинланмаган. Чунки унинг бўйнига Султонга тегишли отлар парвариши юклатилган. Отларнинг сонини эса 30 минтача бўлгани маълум. Подшоҳона овларни урнига қўйиш тадбирларини амири шикор уюштирган. Саройдаги муҳим хизматлардан яна бири бу ташгдордир. Гарчи ташгдор деганда ювиниш анжомларини сақловчи маъносида тушунилса-да, аммо аслида бу мансабни эгаллаган киши султоннинг энг яқин кишиларидан бирига айланган. Ҳукмдор унга узининг энг махфий фикрларини ҳам изҳор қилиши мумкин эди. Юқорида тилга олганимиз Нуштегин Салжуқий Султон Малик саройида худди мана шундай ташгдор мавқеига эришганда, унга мазкур мансабга вилоятда мутаносиб келувчч шихналик, яъни Хоразм шихналиги лавозими берилади. Чунки ташгдор хизмати билан боғлиқ барча харажатлар Хоразм вилоятидан келадиган солиқлар билан қопланарди. Яна бир муҳим лавозим бу қиссадор. У ҳафта давомида Султонга тушган арзлар, шикоятларни йиғиб жума куни кечаси ҳукмдорга топширарди. Кейин эса ҳар бир арзчи ё шикоятчига тегишли жавобини берарди. Бу мансабга ҳам ҳар ким тайинланавермасди. Зеро, ҳукмдор билан оддий халқ ўртасида алоқа ипларини боғлаб туриш, раиййат аҳволи ва зоридан уни хабардор қилиб туриш савобли ишни ҳамма ҳам ҳалол бажара олмаслиги табиий. Даргоҳда шунингдек, жашнигир — Султонга бериладиган овқат, ичимликларни текшириб кўрувчи, жомадор, Султоннинг котиби, шаробдор, фаррош, байроқдор, жомдор (саройдаги қурол-аслаҳани сақловчи) каби хизмат ва вазифалар ҳам бўлгани маълум.

Ижроия ишларини девонлар (вазирликлар) олиб бориб, бу тизим тепасида вазир (бош вазир) турган. Вазир ҳам ҳукмдорнинг энг яқин кишиларидан, биринчи маслаҳатчиси сифатида гавдаланади. Уз фаолиятида у фақат Султон олдидагина жавобгар бўлган. Расмий тадбирлар, турли мақсаддаги музокараларда ҳукмдор номидан иш тутган. Унга барча амалдорлар, ноибдан, ҳарбийлар буйсунган. Ишдан олиш, ишга тайинлаш, маош, нафақа тайинлаш, хазина ва солиқ тизимини назорат этиш, маҳаллий вазирлар ҳисоботини олиш каби қатор вазифалар унинг ваколатида бўлган. Вилоятларда ҳам маҳаллий вазирлар фаолият кўрсатган.

Девонларга келсак, уларнинг фаолиятида Салжуқийлар замонасида мавжуд тизимдан фарқли деярли узгармаган. Иншо ёки тўғро девони расмий ҳужжатлар, ёзишмалар тузиш билан шуғулланган. Молия ишлари билан истифо девони, давлат назорат тадбирлари билан ишроф девони, ҳарбий масалалар, чунончи қурол-аслаҳа билан қушинни таъминлаш, қушин шахсий таркибини назорат қилиш, ҳарбийларга ажратилган ер-сув назорати, ҳарбий қуриклар утказиш кабилар билан девони арз ё жайш шуғулланган. Яна бир девон бўлиб, у девони хос дейилган. Ҳақиқатан ҳам бу махсус девон ҳисобланиб, ҳукмдор сулолага тегишли ер-сув, мол-мулк, султон мамлукларига маош бериш каби вазифалар билан машғул бўлган.

Икки оғиз сўз Хоразмшоҳлар ҳарбий қушини ҳақида. Хоразмшоҳлар уз даврларининг энг қудратли лашкарига эга эди десак муболаға бўлмайди. Юқорида зикр этилган қорахитойларга қарши ҳарбий юришда Султон Муҳаммад ихтиёрида 400 минг отлиқ бўлган. Худди шундай куч Бағдод юришига ташланган. Мўғуллар босқини арафасида эса Хоразмшоҳлар лофи билан 600—700 минг отлиқни уз қўл остиларида бирлаштириш имконига эга эдилар. Албатта бу ерда пиёда аскарлар, турли қумакчи қисмлар назарда тутилмаяпти. Бундай улкан лашкарни тайёргарликда тутиш, таъминотидан хабардор бўлишнинг узи бўлмаган. Яна шу нарса маълумки, ҳарбий қисмларда аёллар ҳам эркаклар билан баробар жанг қилганлар.

Олий ҳукмдорларнинг махсус шахсий гвардиялари (харос) ҳам бўлиб улар фақат мамлуклардан иборат бўлган. Чунончи, Султон Муҳаммад шахсий гвардияси 10 минг кишини ташкил қилгани маълум. Кези келганда шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур қисмларни паҳлавонлар деб ҳам аташган.

Улкан минтақада сиёсий яхлитлик ва барқарорликка эришилиши табиий равишда ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ижобий узгаришлар содир этилишига сабаб бўлиши аниқ эди. Археологик изланишлар, ёзма манбалар гувоҳлигича кўра сунъий суғоришга катта эътибор берилиб, воҳалар имконидан иложи борича кенг фойдаланишга ҳаракат қилинган. Натижада деҳқончилик ривожланишида узилиш бўлмаган. Бизга аввалдан маълум маҳсулот турларининг барчаси етиштирилган. Шаҳарларда ҳаёт қайнаб, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ғоятда ривожланган. Улкада ишлаб чиқарилган турли хилдаги газламалар, заргарлик буюмлари, кийим-кечаклар, гилам-поёндоз, тери, жун, ёг-мой, совун, қурол-аслаҳа, эгар-жабдуғлар, ҳул мева, қуруқ мева, ипакликлар, жавоҳирлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда харидоргир эди. Албатта бунда тегишли давлат идораларининг ҳиссаси ҳам катта бўлган. Чунончи, одатдагидек, мухтасиблар бозорлардаги нарх-наво, маҳсулотларнинг сифати, тош-тарозунинг аҳволидан хабардор бўлишни узи бўлмаган. Яна шу нарса маълумки, ҳарбий қисмларда аёллар ҳам эркаклар билан баробар жанг қилганлар.

Хоразмшоҳлар даврида фан ва маданият равнақи ҳам аъло даражада тараққий этганини биламиз. Бунга ажабланмаса ҳам булади. Чунки Марказий Осиё анъанавий равишда фан ва маданият бешиги бўлиб келаркан, гап фақат у ёки бу даврда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт аҳволи ва давлат арбобларининг нечоғлик илм-маърифатли эканлигида қолган. Хоразмшоҳлар замонида айни шу икки нарса ижобий сифат даражасида эди. Яъни иқтисодий аҳвол яхши, сиёсий осойишталик ва ҳукмдорларнинг юксак маданият эгаси бўлганликларида. Хоразмшоҳларнинг барчаси ҳам дунёвий, ҳам диний соҳаларда чуқур билим соҳиби эдилар. Масалан, Отсиз қасидалар, рубоийлар ёзган, куплаб назм нумуналарини ёддан айтиб бера олган, санъат ва илмга катта ихлос билан қараган. Рубоийларидан бирида у шундай дейди: «Дуне белига урилган тамға менинг фармонимдир, фалак қулоғидаги ҳалқа менинг паймонимдир, бугун шундай салтанатни қулда тутсам-да, дўст ризолигига эришиш менинг иймонимдир». Текиш, Эл Арслон, Султон Муҳаммад ва Хоразмшоҳларнинг бошқа намояндалари ҳам кенг билимли, шеър ва санъатни қадрловчи бўлганлар, назмда ижод қилганлар. Текиш эса айниқса уд чалишни ўрнига қўйган экан. Юқорида биз Хоразмшоҳларнинг барчаси кенг билимлар эгаси эдилар деярканмиз, бу билан нафақат Нуштегинийларни, балки умуман Хоразмшоҳлар унвони билан машҳур сулолаларни, жумладан маъмунийларни ҳам назарда тутамиз. Чунончи Маъмун II (999—1017) фан ва маданиятга ҳомийликда урта асрлардаги энг донглор ҳукмдорлардан бири саналиб, пойтахт Урганчда уз даврининг Академиясига асос солганди. Бу масканда яратилган шарт-шароитдан Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абулхайр Ҳаммор, Наср Арроқ, ибн Мискавайх каби буюк даҳолар бахраманд бўлиб уз ижодларини чархлаган эдилар. Кези келганда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, ҳануз-гача улуғ тарихимиз ва ўтмиш маданиятимизнинг ана шундай саҳифаларини на узимиз «ўқий оламиз» на бошқаларга «ўқита оламиз». Агар француздан «сизларда дастлабки академиялар қачон таъсис этилган» деб сўралса, у ғурур билан XVII аср ўртасида дейди, немис эса «XVIII аср бошида» деб жавоб берса, урис «албатта, «Петр даврида» дея ҳайрон ҳам булиб қўяди. Узбек агар «билса» 1943 йилни курсатади. Биз шунга лойиқмизми?!

Улкамиз ва миллатимизнинг, арбобларимизнинг фан ва маданиятга бўлган чанқоқлиги азалий жараён эканини юқорида тилга олганимиз Нуштегинийлар даврида ҳам яна бир исботланди. Бу замонда мадрасалар барпо этиш, кутубхоналар очиш, уларни китоблар билан тўлдириш, истеъдод эгаларининг бошини силаш, асраб-авайлаш одати сақланибгина қолмай янада ривож топди. Зиё маскани бўлмиш кутубхоналар фаолиятига катта эътибор берилган. Масалан, Бухоро вилоятидаги шаҳарлардан бирида фуқаролар, яъни умумий кутубхона мавжуд булиб, унда сақланадиган ва китобхонларга тақдим қилинадиган қўлёзма асарлар ғоятда ноёб ҳисобланган. Худди шундай кутубхоналар улканинг бошқа ерларида ҳам булгани маълум. Олий ўқув юртлари бўлмиш мадрасаларда (яъни университетларда) ўқиш жараёнига жуда катта масъулият билан қаралганини шундан ҳам билиб олса буладики, мадраса раҳбарлиги ва мударрисларни олий ҳукмдор ё унинг жойлардаги ноибининг махсус буйруғи билан тайинланганлар. Чунки ҳар қандай жамият, у қанчалик турли имкониятларга эга бўлмасин, агар шу имкониятларни юзага чиқаришга қодир мутахассислари бўлмас экан, улар огизда қолаверади. Мутахассислар эса тарбияланади, парвариш этилади. Хоразмшоҳлардан Отсиз, Текишларнинг шу маънодаги буйруқларини таҳлил қиларканмиз, улар мазкур ҳақиқатни жуда тўғри англаганликлари намоён булади. Шунинг учун ҳам улар таълим ва тарбия, фан соҳаларига мутасаддиларнинг илмли, иймонли, ҳурматли, ҳалол бўлишларига катта эътибор билан қараганлар. Мазкур сиёсат уз мевасини берган ҳам. Баҳовидин Марвазий, Абу Али Ҳасан Бухорий, Заҳириддин Ғазнавий, Исмоил Журжоний, Фахриддин Розий, Маҳмуд Замаҳшарий, Абулфатҳ Хоразмий, Абдуқоҳир Журжоний, Сирожиддин Хоразмий, Рашиддин Ватвот, Сайфий, Сайф Исфарангий, Зиё Ҳужандий, Нажмиддин Кубро, Мажиддин Хоразмий каби ўнлаб математиклар, юлдузшунослар, табиблар, тарихчилар, шоирлар, файласуфлар, адиблар, тилшунослар, мутасаввуф олимлар етишиб чиқиб, ўлка ва халқни улугладилар. Албатта биз ва ҳамкасбларимиз мазкур руйхатни яна давом эттириб, уларнинг ҳар бири ҳақида куплаб қоғоз қоралашимиз мумкин. Аммо ушбу мақола доирасида уларнинг баъзи бирларининг эътиборга молик жиҳатларининг асосийларига диққатни жалб этмоқчимиз.

Қутбиддин Муҳаммад ва Отсиз замонларида машҳур тиббиёт олими саййид Исмоил Журжоний фаолият кўрсатиб, бир қатор қимматли асарлар яратган. Улар орасида Қутбиддинга бағишланган «Заҳирайи Хоразмшоҳий» асари алоҳида урин эгаллайди. Бу асарнинг қиммати шу қадар бўлганки, уни Жолинус (Гален), Муҳаммад Закариё, Ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий асарлари билан бир қаторда тиббиёт соҳасидаги энг муҳим асар ва манбалардан бири сифатида қабул қилинган. Ун икки жилддан иборат бу асар тиббиётнинг барча йуналишлари, ташрих, оддий ва мураккаб дорилар ҳақидаги тадқиқотларни уз ичига олган. У араб ва турк тилларига таржима қилинган. Исмоил Журжонийнинг энг катта хизматларидан бири шундаки, у Ибн Синодан кейин тиббиёт соҳасидаги барча йуналишларни янги тадқиқотлар асосида қайтадан баён қилиб чиққан. Олим фаолиятининг биз учун қадрли томонларидан яна бири шундаки, Ибн Сино ўлкамиздан «бир чиқиб» қолган ягона буюк тиббиёт олими эмас, балки бу соҳа ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам бизда юксак даражада тараққий қилиб келган. Зеро ўтмиш олиму фозилларимиз илму тафаккурга доимо содиқлик билан хизмат қилиб келганлар. Уларнинг содиқлик туғрисидаги тушунчалари ватанга нисбатан ҳам юксак даражада эди. Буни биз машҳур мутасаввуф олим ва шоир Нажмиддин Кубро мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Таҳсил олиб юрган ёшлик йилларида ким билан баҳс-мунозара қилса доим устун келувчи Нажмиддинга «томматул кубро», яъни буюк голиб лақаби берилган экан. Бориб-бориб биринчи сўз тушиб қолиб, «Кубро» лақаби сақланиб қолган. Нажмиддин Кубро нафақат илм баҳсида, балки ватан учун курашда ҳам енгилмас булган. 1221 йили мўғуллар Урганчни қамал қиладилар. Мудофаачилар орасида машҳур шайх Нажмиддин Кубронинг ҳам борлигини эшитган Чингизхон унга одам юбориб, «мен Хоразмни ер билан яксон қиламан, Сиз у ерни тарк

Соғлом авлод учун

Мустақиллик шарофати билан олимларимизнинг кўп йиллардан буён орзу қилган эзгу ниятларидан бири ушалди: республика Фанлар академиясининг Тиббиёт бўлими ташкил топди. Бўлимга сайланган аъзолар республикамиз тиббиёт фанининг келажак тақдирини ҳал қилишда салмоқли ҳисса қўша оладиган олимлардир. Шулардан бири Наби Мажидович Мажидов.

ЖАҲОН ТАН ОЛГАН ОЛИМ

Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, тиббиёт фанлар доктори, профессор Наби Мажидов 1-Тошкент Тиббиёт институтининг асаб касалликлари кафедрасининг мудири, Ўзбекистон неврология илмий марказининг директори, «Сиҳат-саломатлик» журналининг бош муҳаррири сифатида меҳнат қиляпти. У киши асос солган неврологлар мактаби Марказий Осиёда энг йириги ҳисобланади. Элликдан ортиқ фан номзоди ва докторлар, юзлаб амалиётчи врач-неврологларга устозлик қилган домламиз номини элга танитган илк ишларидан бири «Сурункали лептоменингитлар» касалликларига оид муаммоларга бағишлдир. Бош мияни қоплаб турадиган пардаларнинг сурункали яллиғланиши хасталиги, яъни лептоменингитларнинг келиб чиқиш сабаблари, патоморфологик кўринишлари, клиник манзаралари, бошқа ўхшаш касалликлардан ажралиб турадиган белгилари ва ниҳоят даволаш усуллари атрофлича ишлаб чиқилди. Худди шу йўсинда бош мия қоринчаларида жойланиб-мия суюқлигини ишлаб чиқарувчи тўлқинсимон моддаларнинг яллиғланиши, яъни хориоэпендиматитлар ҳам ҳар томонлама ўрганилди. Наби Мажидовнинг изланишлари туфайли жаҳон адабиётида деярли юз йилдан буён мавжуд бўлган илмий баҳсларга оид илмий изланишлар алоҳида диққатга сазовордир. Жумладан маҳаллий об-ҳавонинг, айниқса, қуёш нурларининг касаллик жараёнига таъсири, хасталикнинг руёбга чиқишида йирик қон томирларнинг қай даражада қон ўтказа олиши, қон таркибида қуюқлаштирувчи моддаларнинг кўпайиши салбий таъсири каби омилларнинг аниқланиши шу соҳани анча бойитди. Бундан ташқари, олим бош мия қон томир касалликларининг бошланғич даврини ўрганиш ва унинг олдини олиш муаммолари бўйича ҳам кўплаб изланишлар олиб борган. Бундай илмий текширишларнинг кўпчилиги ўз салмоғи билан илмий кашфиёт даражасигача етиб боради. Масалан, фанда бош миянинг ганглиоз ҳужайралари бўлиниб кўпаймайди ва шу туфайли уларнинг оластомоз ўсиши ҳам кузатилмайди деган фикр тарқалган эди. Кўп йиллик кузатишлардан кейин Наби Мажидов бу тушунча асоссиз эканини исботлади ва «Ганглиоз ҳужайралар ўсмалари» деган монография билан фанга янгилик киритди.

Устознинг тиббиёт фанига қўшган бебаҳо ҳиссаларидан яна бири Ўзбекистонда олдингилар қаторида хотин-қизлар касалликларининг: жарроҳлик иммунологик онкологик ва турли хил бошқа хасталикларнинг асаб тизимига таъсир қилиши муаммоларини ўрганишни муқим равишда йўлга қўйганлигидир. Жумладан, кардиология, тиббий тиклаш ва физиотерапия, санитария-гигиена ва касб касалликлари институтлари қошида тузилган неврологик лабораторияларнинг самарали ишлаб туриши бунинг ёрқин далилидир. Бу илм масканларини Наби Мажидовичнинг шогирдлари бошқаради. Уларнинг кўпгина ўқувчилари ҳамдўстлик давлатлари ва баъзи чет эл тиббий муассасаларида ҳам ишлаб, неврология фанига хизмат қилишяпти. Бундан ташқари, устоз АҚШ, Англия, Венгрия, Болгария, Германия, Греция, Польшага қилган сафарлари чоғидаги сермазмун маърузалари, касалликларни намунали кўрикдан ўтказишлари билан чет эллик ҳамкасблари олқишига ҳам сазовор бўлган.

Ўзига ва бошқаларга ўта талабчан ташкилотчи олим муттасил изланишда. Чорак асрга яқин Иттифоқ неврологлари илмий жамият ҳайъатининг аъзоси, «Невропотология ва психиатрия» журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси, «Катта тиббий қобусно­ма»нинг бўлим муҳаррири бўлган Наби Мажидов қарийб йигирма йил Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг олимлар тиббий кенгаши раиси бўлди. 1970 йилдан буён эса Ўзбекистон неврологлар илмий тиббий жамиятининг раиси. Бундан ташқари, вазирлик қошидаги неврология муаммолари илмий комиссиясининг ва мутахассисларни аттестация қилиш комиссиясининг раиси ҳамдир.

Устознинг энг олий мақсади халққа хизмат қилиш, эл-юрт саломатлиги посбони бўлишдир. Шу мақсадга эришиш учун Наби Мажидов куч-ғайрати, меҳнат, ақл-заковати, ҳатто жонини ҳам аямайди.

Озод ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон неврологларининг илмий-тиббий жамияти раиси ўринбосари, профессор.
Бахтиёр ҒОФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош невропогы, жамият ҳайъати аъзоси, профессор.

...Қирқ ҳунар ҳам оз

ЙЎЛБАРС ЕТАКЛАГАН ЙИГИТ

Ҳа, ажабланманг, Инсоният тарихида не-не воқеалар бўлмаган. Ҳар бир лаҳзамиз мўъжизаларга бой. Зеро, бу воқеа ҳам кўнглингизда илиқлик уйғотса, ажабмас. Гап шуки, йўлбарсни ўзбек йигити цирк майдонига олиб чиқди. Ўзбек йигити... Дилингизда беихтиёр фахр туясиз, ғурурланасиз.

Ўзбек цирки тарихида ўзига хос из қолдирган санъаткорлар жуда кўп. Лекин йўлбарсни цирк саҳнига олиб чиқиш шу пайтгача ўзбек санъаткорига насиб этмаганди.

Фурқат Тошкентнинг Тешиққопқоқ маҳалласидан. Ёшлигида Титов номли спорт-интернатда ўқиб, акробатика билан шуғулланган. 1971 йил интернатни тамомлаб, Москвадаги цирк билим юртига ўқишга кирди. Уни Москва Давлат циркига таклиф этишди. Хизмат кўрсатган артист Иван Лобзев раҳбарлигида ҳавода акробатик машқлар бажариш устида ишлай бошлади.

Цирк томошалари ичида энг хавфли, лекин мафтункор ҳисобланган акробатларнинг ҳаводаги парвозини Ф.Юнусов ўрнига қўйиб бажарарди. Самолётдан ерга сакраган киши парашютига ишонади. Ҳавода ўйин кўрсатаётган акробат эса Оллоҳу, имкониятларига таянади.

«Фалокат оёқ остида» деб бежиз айтишмайди. Бир гал шундай бўлди: 1978 йили Фурқат ҳамкасблари билан Минск шаҳрида томоша кўрсатаётган эди. Нима бўлди-ю 18 метр баландликда мўлжалдан янглишиб ерга «шўнғиди». Шифохоналарда узоқ ётди. Соғайиб чиққач, 6 ойгача «парвоз» тақиқланди. Ҳамкасблар: «Фурқат бошқа учмайди», деб умидларини узишди.



Лекин у ўз касбининг ошуфтаси эди. «Парвоз»ни хумор қилди. Яна маашқлар, яна манеж, яна «учиш». Ўзбек ўғлони Оврўпа томошабинлари олқиши остида «парвоз» қилишни ўрнига қўйиб, икки марта собиқ Иттифоқ ва бир бор жаҳон рекорди ўрнатди.

Москва Давлат цирки жамоаси билан ишлаш Фурқатга кўп муваффақиятлар келтирди. У ўзининг қизиқувчанлиги, тиришқоқлиги, истеъдоди туфайли яна бир неча номерларни ўрганди. Унинг, шунингдек «туя устида акробатик уйинлари», «ғалтаклар устида мувозанат сақлаш» каби чиқишларини томошабинлар кутадиган бўлишди.

Халқ артисти Маритца Залашная йиртқич ҳайвонларни ўйнатарди. Бу аёл қўрқмас, чайир Фурқатни ёрдамчи қилиб олишни ихтиёр этди. Энди Фурқат йиртқичлар билан «тиллашиш» пайига тушди.

— 1982 йил оилавий шароит ва ота-онанинг қистови билан циркдан кетдим. Тошкентга қайтиб, уйландим. Циркка қайтишим даргумон бўлиб қолди, - дейди Фурқат Юнусов. — Орадан ўн йил ўтди. Тошкент цирки томонларга йўлламасликка ҳаракат қилардим. Телевидениеда цирк томошаларини ўчириб қўярдим. Зеро, ўрганган кўнгил ўртанарди. Назаримда қандайдир туртки етишмасди. Шундай ҳам бўлди.

— Фурқат, циркка қайтишинг керак, - деди бир куни «Ўзбекдавлатцирк» бирлашмаси бош директори Баҳром Мажидов. - Истеъдодни хор этиш... яхшимас. Айни ўзлигимизни кўрсатадиган замонда-я?

Уч йилки, Ф.Юнусов Тошкент циркида. Аёли Гулшода ҳам ёнида. Алоҳида гуруҳ тузишган. Ҳаммаси ҳайвонот боғига боришдан бошланди. Гулшодага ҳар хил қушлар учун буюртма беришмоқчи эди. Фурқат эса жонзотларга яна маҳлиё бўлди-қолди. Ногаҳон кўзи йўлбарсларга тушди. Йиртқич ҳайвонларни манежга олиб чиққанини эслади. Оромини йўқотди. Цирк маъмурияти унинг таклифини маъқуллади. Йўлбарслар келтирилди. Алоҳида машғулот майдончаси ҳозирланди.

Республика Маданият ишлари вазирлиги ҳам бу хайрли ташаббусни маъқуллади. Россияда хизмат кўрсатган артист Насибулла Кочеков таклиф қилинди. У Фурқатга устозлик қилмоқда. Ўзбек цирки тарихида йиртқич ҳайвонларни ўргатиш ва ўйнатиш тажрибаси йўқ. Фурқат эса Туронзаминда биринчи бўлиб йиртқичлар билан даврага чиқмоқчи. Мустақиллик байрами арафасида йўлбарс етаклаган йигит олқиш олса, ажабмас.

Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ТАШКИЛОТ
Пул ўтказиш йўли билан сўмларга Д 8237, ДА 8237, ДБ 8237 русумидаги пресслаш асбоб-ускуналарининг эҳтиёт қисмларини ТАКЛИФ ЭТАДИ
Алоқа учун телефонлар :
45-55-56, 45-70-65.
Телефакс: 45-56-65.

ТАШКИЛОТ
Тошкент шаҳридаги омбордан сиғими 50 кг. ли полипропилин қопларни пул ўтказиш йўли билан
СОТАДИ
Телефонлар: 44-23-13, 44-31-36.
Манзилгоҳ: Тошкент, А. Қодирий кўчаси, 7-а уй, 309-хона.

Халқ таълими

ҚОЗОҚ ГУРУҲИ ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ

Навоий вилоятининг олис Томди, Учқудуқ, Конимех туманлари мактабларида қозоқ тилидан дарс берадиган миллий малакали кадрлар етишмайди. Ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида бундан бир неча йил муқаддам Навоий педагогика институтида қозоқ синфлари ташкил этилган эди. Айни пайтда бу синф ва гуруҳларда 300 дан зиёд қозоқ миллатига мансуб йигит ва қизлар мураббийлик сир-асрорларини ўрганишяпти. Яқинда бошланғич таълим методикаси ва услубиёти бўйича дастлабки мутахассисликка эга бўлган 25 нафар талаба институтни муваффақиятли битириб, Қизилқум туманлари мактабларига йўлланма олишди. Битирув кечасига бағишланган тантанани институт ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Равшан Раҳмонов очар экан, илк қалдирғочларга муваффақиятлар тилади. Келгуси йилдан бошлаб институтни нафақат бошланғич мактаб муаллимлари, балки қозоқ филологияси, математика мутахассисликлари бўйича яна 50 нафар қозоқ миллатига мансуб талаба битириб чиқишади. Ҳуллас, ҳадемай олис чўл туманлари мактабларида ҳам қозоқ тилидан дарс берувчи малакали кадрлар кўпайиб боради. Айни пайтда институтда биргина қозоқ синфлари эмас, балки факультетлар ташкил этиш чоратадбирлари ҳам кўриляпти.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ие, йўғ-е, нахотки?!

САМОЛЁТ ОЙНАСИ СИНГАНДА

«БРИТИШ ЭЙРУЭС» (Буюк Британия) авиокомпаниясига қарашли самолёт Бирмингемдан Испаниянинг Малага шаҳрига 84 йўловчи билан учаётганда экипаж аъзолари 15 дақиқа даҳшат ичида қолишди.

Сабаби самолёт ердан «оёғини узгач» ярим соат ўтиб, фалокат юз берди: учувчилар хонасидаги иккита катта «кўзли» ойна (2 кун аввал алмаштирилганди) синиб кетди. Воқеа юз берган вақтда самолёт 8 минг метр баландликда бўлиб, Ла-Маншга яқинлашиб қолганди.

Кучли ҳаво оқими кабинага селдай бостириб кирди ва экипаж командири Тима Ланкастерни ойнаси синган деразага тақаб қўйди. Шамол уни ташқарига тортиб кетай деб турган пайтда яхшиямки борт кузатувчиси Сейман Рожерс қаҳва кўтариб кириб қолди.

Сейман дарҳол командирни оёғидан тортиб, ўриндиққа ўзини ҳам қўшиб боғлади.

Иккинчи учувчи Алистар Этчинсон эса кабинада босимни маромига келтириш учун самолётни пастга бурди. Шундай қилиб улар Саухемптон аэропортига мажбурий, лекин муваффақиятли қўнишди.

«Бритиш эйруэс» вакилининг кейинроқ маълум қилишича, капитан Ланкастер 15 дақиқа давомида ойнаси синган деразада осилиб турган. Натижада унинг тўпиқ суяги ва қовурғалари синиб, чап қўлини совуқ урган.

ЁҒОЧОЁҚДА ҲАККАЛАБ...

ФРАНЦИЯНИНГ Аркашон шаҳрида неча йилдирки, ёғочоёқда юриш мусобақаси ўтказилади. Беллашув иштирокчилари Аркашондан Вьё-Букс қишлоғигача бўлган 105 километр масофани атиги 3 марта дам олиб, босиб ўтишлари даркор. Мусобақа ҳар бир қатнашчидан кўп куч ва чаққонлик талаб этганлиги учун спортчилар унга йиллаб тайёргарлик кўришади.

ОТДА... СУЗИШ ПОЙГАСИ

ОДАТДА отлар пойгаси қуруқликда ўтказилади. Бироқ Гаитида эса отлар пойгаси сувда ҳам ўтказилади. Чавандозлар ўзларининг тўрт оёқли шериклари билан 1000 метр масофани сузиб ўтишлари керак.

БАЛИҚ КЕМАНИ ТЕШДИ

МЕКСИКА кўрфазининг Аренас оролига яқин жойда бир америкалик оиласи билан кичик кемада сайр қилишиб юрганди. Кутилмаганда катталиги 4 метр келадиган болғабалиқ шитоб билан келиб, кема бортига урилди ва уни тешиб юборди. Шуниси қизиққи, балиқ ҳеч нарса бўлмагандай ортига сузиб кетаверди. Кема эса сувга тўла бошлади, ундаги оиланинг ҳаёти хавф остида қолди. Яхшиямки, кўрфазда сокинлик эди. Ўз пайтида кўрилган чора туфайли улар омон қолишди. Тонгда соқчилар кемаси уларни қирғоққа чиқариб қўйди.

Кейин маълум бўлишича, балиқ ўз ўлжаси ортидан қувиб кетаётиб кемага урилган экан.

ҒАРОЙИБ ЧАҚАЛОҚ УЧ МАРТА ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНДИ

ЖАНУБИЙ Африканинг Капштадт шаҳри госпиталларидан бирида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа юз берганига ҳеч қанча вақт бўлмади. У ерда чақалоқни она қорнидан ёриб олган дўхтирлар, гўдакни кўриб, ҳайратда қолишди. Боланинг тўртта оёғи бор эди. Жинсий аъзоси ҳам кўп, яъни иккита. Киндикдан юқори қисмида жойлашган органлар эса биттадан.

Жарроҳлар уни уч марта операция столига ётқизиб, рисолага келтиришди.

Спорт

Эшкак эшиш

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

· Москвада эшкак эшиш бўйича ўтказилган халқаро мусобақада мамлакатимиз спортчилари маҳорат кўрсатдилар.

Эшкак эшувчиларимиз мусобақадан жами 12 та медаль билан қайтишди. Жумладан, каноэчи Евгений Астанин 500 ва 1000 метрлик масофада маррада биринчи бўлди. Геннадий Жўрабоев 1000 метрлик масофани иккинчи бўлиб босиб ўтди. Икки кишилик байдаркада эшкак эшган Александр Колесников билан Виталий Аносов 200 ва 500 метрлик масофада, Вадим Симаков билан Дмитрий Соченко 1000 метрли масофада ғалаба қозониб, олтин медаль соҳиблари бўлишди. Қизлар ўртасида Елена Лебедева билан Зоя Вязмина 200 ва 500 метрли масофаларда терма жамоамизга иккита кумуш медаль келтирдилар.

Футбол

ЧОРАК ФИНАЛНИ КЎЗЛАБ

· Ўзбекистон кубоги учун нимчорак финал учрашувлари ўтказилди.

Энг йирик ҳисоб «Темирйўлчи» — «Диёр» (6:0) учрашувида қайд этилди. Шунингдек, «Нефтчи» «Трактор», «Чирчиқ», «Сўғдиёна», МҲСК, «Пахтакор» жамоалари ҳам чорак финални кўзлаб, дастлабки ғалабага эришдилар. «Навбаҳор» — «Ситора» учрашуви 26 июлда бўлади. Такрорий учрашувлар 23 август куни ўтади.

Чавандозлик

ОТЧОПАРДА ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ

· Тошкент отчопарида ўтказилган шаҳар биринчилиги мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Баландлиги 120 сантиметрли тўсиқларга от солган Сора Малик қизи муваффақият қозонди. Баландлиги 110 ва 130 сантиметрли тўсиқлардан ўтишда Шерали Ҳамроев билан Денис Чирцев ғалаба қилдилар.

Акционерлик корхонасида

МЕБЕЛЬ КАРАКМИ, МАРҲАМАТ!

«Самарқандмебель» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми эмас, балки унинг сотилишини асосий мезон деб билмоқдалар. Шунинг учун ҳам мебелсозлар маҳсулот сифатига, харидоргирлигига алоҳида эътибор беришаётир.

Ҳозирги пайтда корхонада 30 дан ортиқ турда мебель жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, «Самарқанд», «РЭКО», «Столичный» мебель тўпламлари, уч эшикли шкафлар, китоб жавонлари, каравотлар, меҳмонхоналар учун стол-стуллар, офис мебеллари харидорларга манзур бўляпти. Ҳиссадорлар айни пайтда ўз маҳсулотлари билан нафақат республикамиз аҳолиси эҳтиёжини, балки Россия, Туркманистон ҳамда Қирғизистон аҳолиси талабларини ҳам қондиришдек эзгу ният билан меҳнат қилишяпти.

Наргиза ТЎЛАГАНОВА.

Гиёҳвандлик — иллат

ЭГАСИНИ ТОРТИБ КЕТДИ

ХОРАЗМ. Урганч туманида олиб борилган тезкор чора-тадбирлар пайтида Қаландаров номли жамоа хўжалигида яшовчи, ишламайдиган Б. Р. нинг уйидан 4 килограмм 700 грамм қорадори топилди.

Бир-неча минг одам соғлиғини чиппакка чиқаришга етадиган бу гиёҳванд модда — заҳри қотил дастлаб ўз эгасини панжара ортига тортиб кетди.

БИР АФАНДИЧА БЎЛМАДИ

САМАРҚАНД. Нуробод туманидаги мактаблардан бирида уқитувчи бўлиб ишловчи аёл меҳнат таътили даврида ўзича «бизнес» билан шуғулланмоқчи бўлди, аммо дарҳол «банкрот»га учради.

Яъни, у 1 килограмм опиумни 70 минг сўмга сотаётган пайтда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Энди бу аёл уқувчиларига «гиёҳвандлик — иллат, у билан машғул бўлганлар балога гирифтор бўлади» деб айтган гапларимга наҳотки ўзим ишонмадим-а, деб афсус-надомат чекмоқда..

Дарвоқе, болаларни алдаб ўзи ҳам ишонган, бир афандича бўла олмаган бу аёлнинг «бизнес»и юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

МЕҲМОН ВА МЕЗБОННИНГ ҚИЛИҒИ

ЖИЗЗАХ. Бахмал тумани ички ишлар ходимлари тезкор тадбир утказаётган пайтда Андижон шаҳри Семашко кўчасида яшовчи 24 ёшли йигит Ш. А. ни ва Бахмалнинг Калтасой қишлоғида яшовчи Х. Б. нинг ёнидан 3,5 килога яқин қора дори гиёҳванд моддаси топилди.

Энди бу меҳмон ва мезбоннинг қилмиши юзасидан ҳам тергов ишлари олиб борилади.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

Очиқ турдаги «Когон олтин тола» акционерлик жамиятининг
ЭМИССИЯ ПРОСПЕКТИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 1995 йил 17 май N 03-1633 рақами билан рўйхатга олинган.

I. ИДОРАНИНГ ЗАРУР РАСМИЯТЛАРИ

1. Тўлиқ ва қисқартирилган номи: очиқ турдаги «Когон олтин тола» акционерлик жамияти.

2. Юридик манзилгоҳи: Бухоро шаҳри, Низомий кўчаси, 97-уй.

3. Эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтказилган тартиб рақами ва санаси: Ордер: 003287, Адлия гувоҳномаси N 265.

4. Ташкилий ҳуқуқий шакли: очиқ турдаги акционерлик жамияти.

5. Таркибига эмитент кирадиган (уюшма, концерн, корпорация ва шу кабиларнинг номи, юридик манзили): Бухоро шаҳри, Низомий кўчаси, 97-уй, «Бухдавпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси.

6. Эмитент ҳисоб рақами, корхонага хизмат кўрсатувчи банк реквизитлари: ҳ/р 000404803, МФО 170601302 Когон шаҳар СКБанки.

II. АКЦИЯЛАР ТАҚСИМОТИ ТАРТИБИ

1. Умумий маълумот:
а) устав фонди 7656,3 минг сўм.
б) акциялар сони 76563 дона
в) битта акцияга белгиланган нарх 100 сўм
2. Имтиёзли акциялар:
а) акциялар улуши 10%
б) акциялар суммаси 765,6 минг сўм.
в) акциялар сони 7656 дона
3. Ёпиқ ёзилиш орқали акцияларнинг номинал қиймати бўйича сотиб олинган оддий акциялар:
а) акциялар улуши 20%
б) акциялар суммаси 1531,4 минг сўм.
в) акциялар сони 15314 дона.

4. Давлат мулк қўмитаси томонидан сақланадиган оддий акциялар:
а) акциялар улуши 51%
б) акциялар суммаси 3904,6 минг сўм.
в) акциялар сони 39046 дона.

5. Акцияларни чиқариш шакли (счётлардаги ёзувлар тарзида, ёзувларни марказлаштирилган депозитларда сақланадиган акциялар) 39046 дона, 51 фоиз, 3904,6 минг сўмлик.

Махсус бланкалар тарзида — 37517 дона, 49 фоиз, 3751,7 минг сўмлик.

6. Акцияларни тарқатиш ва сотиш тартиби, миқдорлари (сотиб олиш) муддатлари:

Меҳнат жамоасига имтиёзлар сақланган ҳолда акцияларни сотиш тури	Муддати		Умумий қиймати	
	сотиш бошланиши	сотиш тугатилиши	Минг сўм	Жамият акцияларига нисбатан фоиз
1.1 Жами акциялар	1 йил мобайнида		7656,3	100
1.2 Давлатда сақланадиган акциялар	6 ой мобайнида		3904,6	51
1.3 Имтиёзли акцияларни тарқатиш	6 ой мобайнида		765,6	10
1.4 Меҳнат жамоаси аъзолари ўртасида ёпиқ ёзилиш бўйича оддий эгаси ёзилган акцияларни тарқатиш	6 ой	мобайнида	1531,4	20
1.5 Эркин сотиладиган акциялар жами	1 йил мобайнида		1454,7	19

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0286.

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20. 00.

1 2 3 4 5 6.